

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Миллий ғоя: маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси
Қўлёзма ҳуқуқида

НАЗАРОВ ФАҲРИДДИН
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛАТ ВА МИЛЛИЙ
ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МАСАЛАЛАРИ

5141500 – Миллий ғоя: маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши
бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Иш раҳбари: катта ўқитувчи И. Абдумаликов

Андижон – 2014 йил

РЕЖА:

КИРИШ.....

I боб: ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЕНИНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРГА ТАСИРИ МАСАЛАЛАРИГА СУБЪЕКТИВ ВА ОБЪЕКТИВ ЁНДОШУВ МАСАЛАЛРИ.....

1.1 Глобаллашув жараёнининг инсониятнинг ривожланишига ижобий тасири масалалри.
.....

1.2 Глобаллашув туфайли умуминсоний ва миллий муносабатлардаги ўзгаришларга субъектив ва объектив ёндошувлар ва уларнинг инсонлар маънавий ҳаётига тасири масалалри.

II БОБ. МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН ХАЛҚЛАРНИНГ ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШ ДИНАМИКАСИГА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИНГ ТАСИРИДА МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ ЮКСАЛИШ ВА ЭВРИЛИШЛАР.....

2.1 Мустақил Ўзбекистоннинг истиқлол даврида дунё ҳамжамияти даврасига кириб бориши: сиёсат, иқтисод, ижтимоий ҳаёт ва маданият.

2.2 Глобаллашув жараёнининг халқимиз тараққиётида ўзлигини англаш динамикасининг маданий – маънавий ва моддий жihatларига тасири.

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: XXчи аср сўнги чораги ва XXI аср дастлабки ўн йиликлари инсоният тарихида мисли қўрилмаган ўзгаришлар билан белгиланади. Бунда жаҳон ҳамжамиятининг ўзаро ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий жаҳатдан яқинлашуви, ҳаёт жабхаларининг бир бири билан туташуви жаду катта тезликда тухўхтатиб бўлмас даражада содир бўлмоқда. Бугун ҳақ кимса ёки кимлардир уни тўхтатиб қолиш ёки ўзгаришига ҳеч қандай имкониятга эга эмасдир. Инсоният ва умуман дунёнинг барча ҳаётий соҳаларида содир бўлаётган глобаллашув жараёни турли таман ҳолат ва воқеяликлар билан тўладир. Демакки унинг таркибида ривожланиш жараёнларига мос барча ижобий ва салбий жихатлар ҳам истисно эмасдир. Шу борада биз ўз тадқиқтимиз мавзуси сафатида инсонларнинг миллий айримлик ва миллий ўзлик масаларига, глобаллашув жараёнини тасири ва дахилдорлигини ангалашга қаратилгандир.

Бугунда ҳар бир халқнинг, миллатнинг мустақил суверен тизилмаларга эришишида биринчи галда миллийлик, миллий ўзлика эга бўлиши зарурати олдинги чиқиб бормоқда. Ўзликни англаган инсон ўзгани ҳурмат қилиш қадрини аниқ англай олади, шу боис миллий ўзлик масаласига тўхталган ҳолда миллий давалатчилигимиз масаласига этибор қартган ҳолда ўз тадқиқотимизни олиб боришга интилдик.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси; Тадқиқотимизга мавзуси дунёда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларининг жадаллашиши туфайли қанчалик даражада долзарб бўлаётганини этиборга олган ҳолда, унга нисбатан тадқиқодчиларнинг этибори кучли эканлигини айтишимиз мумкин. Шу боис бў соҳада жуда қўблаб илмий, илмий-услубий ва илмий-оммабоп ишлар олиб борилганини айта оламиз.

Ишнинг мақсад ва вазифалари; Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён юртимизда жуда катта ўзгаришлар содир бўлаётганини биринчи галда ўз ҳаётимиз жараёнида кузатаётган бўлсак. Кегинги ҳолатда Ўзбекистонда содир бўлаётган юксалишни жаҳон ҳамжамияти тамонидан қўзатилиши ва унга ҳаққоний баҳо берилишидан, эришган ютуқларимиз натижа ва истиқболларини миллий ўзлигимиз ва минталитетимиз рухияти имкониятини белгилай оламиз. Ўзбекистон халқи тарихи жаҳон ҳамжамияти цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси даражасини ўрганган ҳолда, унинг бугунги эришган ютуқлари даражаси ва имкониятларини ўрганишдир.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра Ўзбекистон халқи миллий ўзлиги рухиятини

Тадқиқот объекти ва предмети; Инсоният яратилгандан бошлаб то шу кунгача унинг гуруҳларга, халқларга, элаларга, миллатларга бўлиниши масаласи одамлар ўтасида тортишув, келишмочилик, рақобатлашувга сабаб бўлиб келган. Бунинг сбаби нимада нега

инсонлар бир “Одам Атодан” яралган бўлсалар ҳам хар хиллар деган савол барчани ўйлантирган ва турли фикир, ғоя ва талимотларни келтириб чиқарган. Вахоланки бир хил ирсиятга эга бўлган бугунги олам инсонияти ўзаро миллий мансубликка қараб ажралиб туришни афзал қўрмоқда. Биз шу бойис ўз тадқиқотмиз объекти сифатида инсон субъекти унинг ўзлиги ва бунинг асосида унинг миллийлиги ва миллий ўзлиги масаласи олинади. Миллий ўзликнинг англаш ва бу ўзлик инсонларни ўзаро рақоботга келишига ёки ажралиб туришига ҳеч қандай сабаб бўла олмаслигини тадқиқотимиз предмети сифатида қўйган ҳолда масалага умуминсиний назар билан ёндошишга ҳаракат қилик.

Тадқиқотнинг илмий янилиги; Тадқиқотимиз илмий ўйналиши Ўзбекистонда содир бўлаётган ўзгаришлар негизида этибор берилиб, Конституциямиз моддаларида келтирилган ҳар бир инсон кадрига тегишли ва одамларнинг ўртасида ҳе қандай фарк бўлиши умкин эмаслигини исбот этган ҳолда, ҳар бир халқнинг маънавий, маърифий ва балар таркибига кирган фарқловчи омил маданий жихат эканлигини такидлашга ҳаракат қилдик. Инсон, инсоният жамоасига дахилдор экан, демак у унинг бир бўлагидир, аммо ҳар бир бўлак ўлигига эга экан бу ҳархилликни вужудга келтиришда ўз ўрнига эга бу ўрин эса ҳар бир миллатнинг ўзлигини булғилайди. Шундай экан бугунги Глобаллашув шароитида барчанинг бирдеклиги ва шу билан бирга ҳамманинг ўзига ҳослиги ҳисобга олиниши зарурати масаласини кўришга интилиш базнинг ишимиздаги янгилиб деб ҳисоблаймиз.

Малакавий ишнинг амалий аҳамияти; Мустақил Ўзбекистонимиз бугун жаҳон ҳамжамияти тамнидан тенглар ичра тенг сифатида тўла қонли тан олинди. Дунё ҳамжамияти Ўзбекистонни фақат расмий эмас балки амалий жаҳатдан имкониятларини в ўзлигини тан олган ҳолда қабул қилди. Демак ўзбекистон халқи бугун инсониятнинг бир бўлаги сифатида қадимдан эгаллаган ўрнини яна қайта тиклай олмоқда. Бугунги фурсат бизга ўз тарихимиз, тилимиз, тафаккуримиз, идрокимиз маҳсулини қайта ўз ўрнига қўйган ҳолда, глобаллашув шароитида миллий ўзлигимиздан келиб чиқиб, умуминсоний кадриятларга содиқлигимиз негизида, эркин жамият қурган ҳолда, ўз ВАТАНИМИЗ имкониятларини кўрсата билшдек вазифамизни англаш ва уни ҳаққоний ҳаёт талаблари ва қонуниятларига жавоб бера оладиган ҳолатни вояга етиб келаётган авлога етказишдир. Бундан ташқари ўзлигимиз, миллий ўзлигимизни фақат мақтаниш учун эмас балки амалий ишларимиз билан исбот этишимиз дарқорлигини жамиятимиз барча аъзоларига кўрсатишга интилишдир. Тадқиқотимиз баёнлари ўқувчи ёшлар, талабалар, ва қизиқувчилар билан ишлашда қўл келиши, шуниндек тадқиқодчиларга ўз фикир ғояларини яратишларида назарий озуқа ролини адо этиши мумкин деган умиддамиз.

Биринчи галда, биз тадқиқотимиздаги глобаллашув масалалри хақидаги фикирларга ёндошишда бироз ўз фикир мулохазаларимизни келтиришга интилдик, яни глобаллашу инсоният тарихийлигининг махсули эканлиги уни имкон қадар ижобий йўналишга қаратиш заруратини ўрсатишга қаратилишини талаб этади. Демак глобаллашув, инсоният мулоқати, миллий маносабатлар, миллий ўзаро келишув, миллий ўзликнианглаш масалалрига фақат ижобий этибор билан қараш, ва ҳар қандай вужудга келгин салбий ҳолатларни бартараф этишнинг ёлғиз тинч йўлини тутиш заруратини таклиф этмоқдамиз.

Миллий ўзликни ангаш деганда ажралиш эмас балки ўз миллийли хислатларингни ижобий ва юксак тарафини кўрсатган ҳолдан инсоният ривожига ўз хисасини қўиш заруратини тушинтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Миллий ўзлик ҳар бир миллатни тарихан юксакликка олиб чиққан экан унинг афзалликларини бошқаларга кўрсатган ҳолда, (ҳаспўшлаб эмас) тарғиб қилиш ва қабул қилишлайга ҳаракат қилиш керак.

Бунинг учун аввало жамиятимиз аъзоларининг ҳар бири миллий ўзлигини англаш зўрлик эмас балки ўлкан маъсулият эканлигини англашдир фикрини етказишга уриниш кераклигини малоҳаза қилинди.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши;Битирув малакавий иш кириш, икки боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб: ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЕНИНИНГ МИЛЛАТЛАР АРО МУНОСАБАТЛАРГА ТАСИРИ МАСАЛАЛАРИГА СУБЪЕКТИВ ВА ОБЪЕКТИВ ЁНДОШУВ МАСАЛАЛРИ

1.1 Глобалашув жараёнининг инсониятнинг ривожланишига ижобий тасири масалалри

Йигирманчи асрда инсоният ўз тараққиётининг сифатан янги босқичига кадам қўйди. Космик аср деб ном олган бу босқич фан ва техниканинг мислсиз тараққиёти, унинг ютуқларининг халқ хўжалигига кенг қамровда татбиқ этилиши билан характерланади. Бу хусусиятлар эса ХХИ аср арафасида кишилиқ жамиятида мутлақо янги тенденсияни – глобализатсия жараёнини юзага келтирди.

Глобализатсия жараёни жаҳон мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартирди, геосиёсатнинг янги мақсад ва йўналишларини юзага келтирди. Бунинг натижасида, бир томондан, турли ғояларни кишилар онгига сингдириш услублари ва усуллари мукаммаллашиб кетди, иккинчи томондан, ғайриинсоний ғоялар таъсиридан фуқароларни ҳимоялаш имкониятлари камайди. Юзага келган вазиятда Совет Иттифоқининг ҳалокатга юз тутиши ва жаҳоннинг бошқа минтақаларида содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар натижасида мустақилликни қўлга киритган мамлакатлар хавфсизлигига айниқса катта таҳдид туғилмоқда. Шу боисдан ҳозирги замоннинг мафкуравий манзараси, хусусан мустақилликка эришган юртларга ўтказилаётган мафкуравий тазйиқлар характери ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлиш зарур. Мазкур матнда айнан ана шу масалаларга бағишланган мулоҳазалар баҳоли қудрат умумлаштирилади.

Йигирманчи аср инсоният тарихига фан ва техника мислсиз даражада тараққий этган давр сифатида кирса ажаб эмас. Албатта, бундан фан ва техника яқиндагина ўтмишга юз тугган асрга келибгина ривожлана бошлади, деган хулоса келиб чиқмайди. “Фан ижтимоий онгнинг мустақил шакли сифатида икки минг йилдан буён ривожланиб келмоқда”¹. Бироқ у вужудга келиши биланоқ моддий ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсата бошлагани йўқ. Ибтидода фаннинг ютуқлари эмпирик характерга эга бўлгани, ўрта асрлар давомида ижтимоий ишлаб чиқариш бўғинларининг бир-биридан ажратилганлиги фаннинг ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокини чеклаб қўйган эди. Индустрал ишлаб чиқаришнинг вужудга келишигина фаннинг ишлаб чиқариш жараёнидаги ролини ва ўрнини мустаҳкамлади. Бундан кўриниб турибдики, фан ва техниканинг мақсадли ривожланиши, шунингдек унинг ютуқларининг халқ хўжалиги тармоқларига татбиқ этилиши ХВИИ-ХВИИИ асрлардангина бошланди.

Табиат ҳақидаги билимларнинг аста-секинлик билан орта бориши илмий қарашлар,

¹ Каримов И.А. Иқтиқлол ва маънавият.-Тошкент: Ўзбекистон, 1994.-Б.67.

ғоялар оламининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Натижада мутлақо янги илмий система юзага келди. Ушбу ўзгаришлар икки босқичда рўй берди. Биринчи босқичда меҳнат воситалари аста-секинлик билан ўсиб борди. Бундан техника воситалари ва уларнинг табиий-илмий асослари тубдан ўзгармагани боис фан ва техника ютуқларининг халқ хўжалигига татбиқ этилиши системавий характерга эга бўлмади.

Йигирманчи асрда ушбу ўзгаришлар иккинчи босқичга қадам қўйди. Бу босқичда илмий билимлар ҳажми ва диапазони шу қадар кенгайдики, эндиликда фан ишлаб чиқарувчи кучга айланди, илмий билимнинг юқори даражасига асосланган меҳнат воситалари шакллана бошлади. Фан ва техника инсон амалий фаолиятида қўлланиладиган қувватнинг диапазонини ҳам кенгайтди. Масалан, бир томондан, у 0,1x10⁻¹⁸ ватт қувватга эга бўлган энг заиф сигналларни ҳам илғашга қодир нозик ва хайратланарли асбобларни яратишнинг уддасидан чиқди, иккинчи томондан эса, космик қудратга эга водород бомбасини барпо этди.

Илмий билимларнинг коммулятив тараққиёти фан ва техникани қудратли ишлаб чиқарувчи кучга айлантди. Бунинг натижасида илмий тадқиқотларга жалб этилган кишилар сони ортиб борди. Ушбу тенденциянинг ижтимоий воқеликка таъсири ўсиб боражагини ўттизинчи йиллардаёқ Дж. Бернал башорат қилган эди. XX асрнинг 60-йилларига келиб, унинг башорати тўлиқ рўёбга чиқди. Хусусан, 1967 йилда жаҳонда 2 миллион 300 минг киши, шу жумладан СССРда 770 минг киши, АҚШда 537 минг киши, Японияда 160 минг киши, Буюк Британияда 90 минг киши, ГФР да 63 минг киши, Францияда 50 минг киши илмий-тадқиқот ишлари билан машғул бўлдилар.¹

Илмий-тадқиқот ишлари учун ажратилган маблағлар миқдори ҳам орта борди. Масалан, 1971 йилда АҚШда илмий-тадқиқотларга 27, 3 млрд. доллар ажратилган бўлса, ГФР да 4 млрд. доллар, Англияда 2, 6 млрд. доллар, Францияда 2, 8 млрд. доллар сарфланди.² Ушбу харажатларнинг АҚШда 55 фоизи, ГФРда 47 фоизи, Англияда 51 фоизи, Францияда 70 фоизи, Япо-нияда 28 фоизи давлат томонидан қопланди.² Эътиборли жойи шундаки, ўша 1971 йилда (алхол, бундан ҳам) турли мамла-катларда илмий-тадқиқот ишлари учун ажратилган маблағлар-нинг асосий қисми амалий тадқиқотлар ва лойиҳаларга сарф-ланди. Масалан, АҚШда илмий-тадқиқотларга сарфланган маб-лағнинг 22, 1 фоизи амалий тадқиқотлар, 65, 5 фоизи лойиҳалар ҳиссасига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда Англияда 26, 1 ва 61, 4 фоизни, Францияда 33, 9 ва 48, 8 фоизни, Италияда 39, 9 ва 41, 5 фоизни ташкил этди.³

Бундай саъй-ҳаракатлар пировард натижада ихтиро ва кашфиётларнинг миқдорини

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.-Б.24.

² Ўша жойда

³ Ўша жойда

ошириб юборди. Хусусан, етми-шинчи йилларга келиб умумжаҳон патент жамғармаси 13 мил-лион ҳужжатни ўз ичига олди.¹4 Ҳар йили жаҳонда 2740-2750 тадан ихтиро қилиб борилди².5 Боз устига, ихтиро ва каш-фиётларнинг халқ хўжалиги турли соҳаларига татбиқ этилиши муддати ҳам кескин қисқариб борди. Масалан, электр токи кашф қилинган вақтдан илк электростансия барпо қилингунига қадар қарийб 100 йил ўтди. Минерал ўғитларнинг аҳамияти аниқланган вақтдан уларнинг амалий фаолиятда қўлланила бошлангунига қадар 70 йил ўтди. Йигирманчи аср иккинчи ярмида эса уран ядросининг бўлиниши ихтиро этилганидан сўнг 15 йил ўтар-ўтмас илк атом электростансияси ташкил қилинди.6 Хуллас, кашфиётнинг яратилиши ва ундан фойдаланишнинг бошланиши вақти орасидаги интервал аср давомида 30 баробарга камайди.

Фан ва техниканинг бундай қудратли ривожланиши, унинг ютуқларининг халқ хўжалигига татбиқ этишнинг тезлашиши XX асрнинг 90-йилларига келиб мамлакатлар, миллатлар, давлат-лар орасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий муносабатларнинг ҳам тезлашишига, яқинлашишига олиб келдики, бунинг натижаси ўлароқ инсоният тарихида мутлақо янги тенденсия шаклланди. Ушбу тенденсияни мутахассислар "глобализатсия" тушунчаси ёрдамида ифодала-моқдалар. Глобализатсия жараёни бугунги кунда кишилик жа-миятининг барча соҳаларида яққол намоён бўлмоқда.

Глобализатсия деганда умумбашарий, умумсайёравий сиви-лизатсиянинг шаклланиши тенденсиясини тушунадилар. Ушбу тенденсиянинг асосини ҳозирги замон кишилик жамиятини бирлаштириб турган иқтисодий, сиёсий, маданий ва комму-никатсион алоқалар ташкил этади. Айнан ана шу алоқалар умумсайёравий сивилизатсияга системавийлик ато этмоқда. Ху-сусан, турли мамлакатлар ва миллатларнинг ўзаро алоқадорлиги ошиб бормоқда. Сивилизатсион системанинг бир секторида юзага келган инқироз ёки дисбаланс бошқа минтақаларда жойлашган мамлакатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига таъсир кўрсатмоқда. Айни пайтда умумбашарий ўзаро алоқадорликнинг кучайиб бораётганлиги туфайли шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришнинг самарали йўли деб топилган маданият типлари, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёт шакллари тез тарқалиб ва ўзлаштирилиб борилаётир. Боз устига, ана шу эҳтиёжлар ва қадриятларнинг шаклланиши ҳам умумбашарий характер касб этаётир.

Бироқ ушбу мулоҳазалардан жаҳонда унификатсия¹ жараёни содир бўлаяпти, деган хулоса чиқармаслик керак. Чунки, би-ринчидан, умумсайёравий алоқалар қанчалик

¹ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик о'з куч-қудратимиз, ҳамжихатлигимиз ва қат'ий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. Т.: "О'збекистон", 2004. –Б.56.

² Каримов И.А. О'Збек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.: "О'збекистон", 2005.-Б.45.

мутлақлашмасин, ҳар бир жамият умуминсоний тажрибаларнинг ўз иқтисодий ва маданий имкониятларига мос тушганини ўзлаштиради, холос. Иккинчидан, умумсайёравий цивилизация шаклланиши боргани сари турли миллат ва элатларнинг ўз маданиятини, ўзига хослигини сақлаб қолишга бўлган интилиши ҳам кучаяди. Бунинг оқибатида ХХИ аср кишилиқ жамияти яхлит-системавий характерга эга бўлиши билан бирга ички плюралистик хусусиятларини ҳам йўқотмайди.

Умумсайёравий цивилизациянинг шаклланишини турли локал цивилизацияларнинг механик бирлашуви билан қиёсламас-лиқ керак. Аслида ушбу жараён ниҳоятда мураккаб ва зиддият-ларга тўла таркибга эга. Масалан, ҳозирги замон Шарқ ва Жа-нуб жамиятлари ғарбий Европа ва Шимолий Америкада "синов-дан ўтган" технологияларни ўзлаштиришга мойилдирлар. Бироқ кейинги ўн йилда Шарқ ва Жануб жамиятларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти натижасида юзага келган маҳсуллар ҳам ғарбий Европа ҳамда Шимолий Америка ижти-моий ҳаётига сезиларли таъсир ўтказаетир. Масалан, ғарб тех-нологиясини ўз маданий анъаналарига мослаштириб, ҳўжалиқ юриртишнинг мутлақо янги усулини жорий этган Япония эндиликда АҚШ иқтисодиётига кириб бормоқда. Африка ва Осиё мамлакатларидан ғарб жамиятларига кўчиб ўтаётган иммиг-рантлар ўзлари билан учинчи дунёга хос муаммоларни ҳам олиб келмоқдалар. Иммигратсия ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда маргинализатсия¹ жараёнини юзага келтирмоқдаки, бунинг оқибатида ушбу мамлакатларда давлат сиёсатининг харак-тери ҳам ўзгармоқда. Хуллас, ҳозирги кунда нафакат ғарбий Европа ва Шимолий Американинг Шарқ ва Жанубга таъсири, балки Шарқ ва Жануб мамлакатларининг ғарб ва Шимолий Америкага таъсири ҳам кучайиб бормоқда.

Глобализатсия жараёнининг аломатларига доир ўнлаб ми-солларни келтиришимиз мумкин. Бироқ фақат мисоллар билан чекланиш масаланинг моҳиятини ёритишга замин тайёрлайди. Глобализатсиянинг моҳиятини чуқур англаб етиш учун "Умумсайёравий цивилизациянинг локал цивилизациядан фарқи нимада?"¹ – деган саволга жавоб беришимиз керак.

Ҳозирги замон илмий тафаккури ушбу саволга бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланиб жавоб беради. Зотан, ХХ асрнинг 70-йилларда ғарб иқтисодиётининг муваффақиятлари асосида постиндустриал жамият вужудга келаётгани хақида хабар берилган бўлса, 80-йилларга келиб инсониятнинг информатсион жамиятга қадам қўйгани хусусида хулосалар чиқарилди. Тўқсонинчи йиларга келиб эса, мутахассисларнинг мулоҳазаларига қараганда, умумсайёравий цивилизация шакллани

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: "Янги аср авлоди", 2001.-Б.4.

бошлади. Бу хулосаларни ақл кўзи би-лан кузатарканмиз, бир нарсага амин бўламиз: кишилик жами-ятининг характерини аниқлаш билан боғлиқ мулоҳазаларнинг барчаси умумий методологияга эга, яъни янги сивилизатсиянинг юзага келаётгани янги технологиялар ва иқтисодий таркиблар шакллана бошлаганига қараб аниқланади.

Шубҳасиз, турли

хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши, шу муносабат билан уларга алоқадор ижтимоий қатламлар ва ақлий меҳнат шакллариининг ўзгариши жамият қиёфасига янгича хусусият ато этади. Информатсия узатиш ва қабул қилишнинг ҳозирги имкониятлари, "компютер револютсияси" жамиятнинг нафақат иқтисодий юксалишига, балки ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатаётгани рост. Бироқ бундан янги сивилизатсияни хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар ва компютерлар юзага келтирмоқда, деган хулоса келиб чиқмайди.

Умумсайёравий сивилизатсия вужудга келаётганини фақат иқтисодий соҳадан қидиришнинг асл сабаби шундаки, биз ҳалигача глобализатсия жараёнининг асосий тенденцияларини аниқ-лаш методологиясини яратганимиз йўқ. Йигирманчи аср илмий тафаккури конкрет сивилизатсияларнинг ўзига хос хусусиятла-рини аниқлашнинг уддасидан чиқди, лекин уларни яхлит этиб турган асос нимада эканлигини кўрсатиб бера олмаяпти.

Дарҳақиқат, сивилизатсияга яхлитлик ато этиб турган асос-ни топиш амри маҳол. Бироқ масаланинг бир жихати аниқ: ҳар қандай сивилизатсиянинг марказида инсон туради. Шундай экан, унга яхлитлик бахш этаётган асосни ҳам инсонийлик меъёридан изламоқ зарур. Айнан ана шу инсонийлик меъёри XX асрнинг тўқсонинчи йилларига келиб умумсайёравий сивилизатсиянинг шаклланишига ва унга элтувчи глобализатсия жараёнининг юз тутишига сабаб бўлди.

Ушбу инсонийлик меъёрини, бизнинг фикримизча, функционал заруриятдан изламоқ даркор. Бошқача айтадиган бўлсак, XX асрнинг охириги ўн йиллигига келиб, инсоният ўз тарақ-қиётининг шундай бир босқичига қадам қўйдики, бу босқичда кишилик жамиятининг турли бўлақларини ягона функцияни бажарувчи организмга (яъни умумсайёравий сиви-лизатсияга) бирлаштириш зарурияти туғилди. Турли мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш эҳтиёжи, сиёсат юри-тишнинг умумеътироф этилган принципларини ишлаб чиқишга интилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг умумжаҳон Декларатсиясини имзолаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, умумбашарий муаммоларни ҳамкорликда ҳал этишга уриниш, информатсия алмашилишига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши – буларнинг барчаси биз юқорида эслатиб ўтган функционал заруриятнинг кўринишларидир.

Умумсайёравий сивилizatсияни шакллантириш заруриятининг кўринишлари ҳақида чуқурроқ фикр юритсак, бир муҳим хулосага келамиз: глобалizatсия жараёни тезлашиб бораётган бир вазиятда ўз ғоялари, манфаатлари ва турмуш тарзини бошқа халқларга сингдира олган мамлакатгина иқтисодий юксалиш учун замин яратади, ўз сиёсий қадриятларини жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинishiга эришади, ўзи эътироф этган ҳуқуқ ва эркинликларнинг умумбашарий характер касб этишини таъминлайди, ўз миллий хавфсизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлайди. Шу боисдан XX асрнинг тўқсонинчи йилларида глобалizatсия жараёнининг кучайиши турли мам-лакатлар геосиёсатининг мақсадлари ва устивор йўналишларини ҳам ўзгартириб юборди.

Юқоридаги мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Йигирманчи асрда фан ва техника тараққиёти янги босқичга қадам қўйди. Хусусан, илмий билимлар ҳажми ва диапозони кенгайди, фан ва техника қудратли ишлаб чиқарувчи кучга айланди.

2. Фан ва техниканинг ишлаб чиқарувчи кучга айланиши илмий-тадқиқотлардан манфаатдорликни ошириб юборди. Натижада турли мамлакатларнинг ҳукуматлари, турли консерн ва корпоратсиялар томонидан тадқиқотларга ажратилган маблағлар миқдори ошиб борди. Боз устига, тадқиқотларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш суръати ҳам тезлашиб кетди.

3. Фан ва техниканинг қудратли тараққиёти иқтисодиёт негизда умумсайёравий сивилizatсиянинг шаклланиши тенденциясини вужудга келтирдик, уни глобалizatсия жараёни деб аташ одат бўлди. Умумсайёравий сивилizatсиянинг шаклланиши функционал зарурият билан боғлиқ бўлгани боис, глобалizatсия жараёнининг тезлашуви ана шу заруриятга мос геосиёсат мақсад ва устивор йўналишларини ишлаб чиқиш эҳтиёжини вужудга келтирди.

1.2 Глобаллашув туфайли умуминсоний ва миллий муносабатлардаги ўзгаришларга субъектив ва объектив ёндошувлар ва уларнинг инсонлар маънавий ҳаётига таъсири масалалари

"Геосиёсат" тушунчаси дастурилаввалданоқ жаҳон мафку-равий жараёнлари билан боғлиқ бўлди. Шу боисдан глобали-затсия жараёнининг тезлашиши шарофати билан жаҳон мафку-равий манзарасининг ўзгариши ушбу тушунчанинг мазмунини бойитиб борди. Боз устига, геосиёсий мақсадлар ва устувор йўналишлар ҳам янгиланиб борди.

"Теосиёсат" тушунчасини халқаро муносабатлар ва жаҳон мафкуравий манзараси призмасидан ўтказиб таҳлил этсак, бунга амин бўламиз.

"Теосиёсат" тушунчасини илк бор швед олими ва сиёсатдони Р. Челлен (1846-1922) қўллай бошлади. У мазкур терминни қудратли давлатни шакллантириш мақсадида амалга оширилган самарали сиёсатнинг асосий характеристикаси сифатида ишлат-ганди¹. Унинг фикрини мантиқан давом эттирган немис тадқиқотчиси Ф. Ратсел (1844-1904) эса геополитика деганда давлат сиёсати билан мамлакатнинг географик ҳолати ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тушунди. Мюнхендаги геополитика институти директори, генерал К. Хаусхофер (1869-1946) "геосиёсат" тушунчасини бундай талқинлаш анъанасини қабул этиб, унинг империалистик таърифини шакллантирди. Унинг тушунтири-шича, герман миллати учун муҳим бўлган макон Германия ҳудудлари билан чекланиб қолмайди. Шу боисдан давлат амалга оширадиган геосиёсат мақсади миллат раўнақи учун зарур бўлган ҳудудларни назорат остига олишдан иборат бўлмоғи шарт.

Масаланинг бундай қўйилиши XX аср бошларидаги халқаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан эди. Бизга маълумки, Вестфалияда 1648 йилда имзоланган тинчлик шартномаси ҳам, Венада 1864, 1866 йилларда имзоланган халқаро шартномалар ҳам миллий суверенитет ва легитиматсия³ принципларига асосланган эди, холос. Ушбу шартномаларда у ёки бу мамлакатларда жорий этилиши зарур бўлган бошқарув

шакли ҳақида гап ҳам бормас эди. Шу боисдан ушбу халқаро-сиёсий системаларга Чор Россияси, Габсбурглар монархияси, либерал Англия каби турли бошқарув шаклларига эга бўлган мамлакатлар тенг ҳуқуқлилиқ асосида кириши мумкин эди. Бу мамлакатлардан фақат бир нарса – халқаро муносабатларда қабул қилинган қоидаларга амал қилиш талаб этиларди.

Хуллас, халқаро муносабатлар субекти ўз мамлакатаида исталган ижтимоий-сиёсий режимни ўрнатишга ҳақли эди, фақат жаҳон аренасида умумътироф этилган қоидаларни бузма-са кифоя. Бироқ XX- асрнинг ўттизинчи йилларига келиб мил-латлар ва элатлар, мамлакатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кадам қўйди. У ёки бу мамлакатнинг раўнақи давлатдан ўз мамлакатаи микёсидагина эмас, ўзга мамлакатлар микёсида ҳам кенг қўламда ижтимоий фаолият кўрсатишни талаб қила бошлади. Бунинг натижасида жаҳонда географик ҳудудлар учун кураш бошланиб кетди. Бироқ энди географик ҳудудларни эгаллашнинг ўзи кифоя қилмас эди. Эндиликда ўзга мамлакатларнинг эътирозига жавобан ўз мамлакатининг маълум географик ҳудудга бўлган даъвосини асослаб бериш ҳам зарур бўлиб қолди.

¹ Глобаллашув ва тараққиёт

Кўриниб турибдики, халқаро муносабатлар геосиёсий мақсадлар ва йўналишларни ўзгартириб юборган бўлса, ўзгариб кетган геосиёсий мақсадлар халқаро муносабатларнинг ўзига акс таъсир кўрсатди. Эндиликда геосиёсатнинг асосий мақсади ўз мафкурасини махв этилиши зарур бўлган географик ҳудудга сингдириш билан боғланадиган бўлди.

Хусусан, 1930-йилларга келиб инсониятнинг келажакдаги тараққиётини асослаб беришга интилган уч асосий сиёсий-мафкуравий йўналиш ўртасида ашаддий кураш авж олиб кетди. Бу уч йўналишни жамиятнинг асосий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий негизларини сақлаб қолган ҳолда туб ислохотлар ўтказишни тарғиб қилувчи сотсиал-реформизм, жаҳонда янги иерархик тартиб ўрнатиш ва уни олий ирқ бўлган немис миллатига бўйсундиришни тарғиб қилувчи фашизм, жамиятдаги моддий ва маънавий неъматларни ижтимоий инқилоб ёрдамида қайта тақсимлаш ва тенглик принципларига асосланган янги жамият барпо этишни тарғиб қилувчи коммунизм мафкуралари ташкил этдилар.

Ушбу мафкуралар ўртасидаги кураш айниқса иккинчи жаҳон уруши йилларида яққол намоён бўлди. Шу боис иккинчи жаҳон урушининг унча булган бошқа урушлардан (афтидан, ХВИ асрдаги салб юришлари бундан мустасно бўлса керак) асосий фарқи шунда бўлдики, унда анъанавий сиёсий-ҳарбий омиллар қаторида мафкуравий компонент ҳам ҳал қилувчи рол ўйнади. Ушбу уруш нафақат географик ҳудудларни эгаллаш мақсадида, балки ўз турмуш тарзини, кадриятлари системасини, бошқарув шаклини, бир сўз билан айтганда, ўз мафкурасини бошқа халқларга сингдириш мақсадида ҳам олиб борилди. Ажабланарли жойи шундаки, инсоният бошига мислсиз кулфат-лар келтирган ва яна келтириши мумкин бўлган немис фа-шизмига қарши бир-бирига ёт бўлган икки мафкура (сотсиал реформизм ва коммунизм) тарафдорлари иттифоқ туздилар. Ушбу иттифоқ ҳар иккала мафкура учун қайсидир маънода умумий бўлган компонентга асосланди. Хусусан, бутун дунё пролетарларининг тенглигини эътироф этган коммунистик интернатсионализм инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини улуғлаган либерал байналмиллийлик билан ҳамоҳанг эди. Фашистик мафкура эса айнан ана шу байналмиллийликни инкор этар ва натсионал-шовинизм ҳамда расизмни тарғиб этарди.

Иккинчи жаҳон уруши ниҳоясида Германия ва унинг итти-фокчиларининг тор-мор этилиши оқибатида фашизм самарали мафкура сифатида жаҳон аренасидан тушди. Асосий муқобил мафкуралар сифатида ижтимоий-реформистик капитализм ва революцион сотсиализм (коммунизм) сақланиб қолди. Ушбу мафкуралар кураши давомида икки қутбли дунё вужудга келди. Бунинг пировард натижасида геосиёсатнинг асосий мақсади ки-шилар онги учун курашишдан иборат бўлиб қолди, унинг асосий

йўналишларини эса ўз мамлакати танлаган тараққиёт йўлининг тўғри эканлигини асослаб бериш, ўз мафкуриси тарафдорларини кўпайтириш, қарши мафкуранинг тарқалиши ва ривожланишига йўл бермаслик ташкил этди.

Ҳам сотсиал-реформизм, ҳам коммунизм тарафдорлари ўз қудратлари ва ҳарбий имкониятларини ўзлари танлаган йўлнинг афзалликларини тарғиб этишга сафарбар қилдилар. Бутун дунё икки ғоя, икки мафкура кураши майдонига айланди. Совук урушнинг ўзи сиёсий ва иқтисодий системалар барқарорлиги ва мустаҳкамлигини синовдан ўтказувчи имтиҳонга айланди.

Икки қутбли дунё шароитида "Шарқ" ва "ғарб" тушунча-ларининг ўзи мафкуравий ўлчов даражасига кўтарилди ва географик тушунчалардан сиёсий-мафкуравий категорияга айланди. Айнан мафкуравий ўлчов икки қутбли дунёнинг асосий мезони бўлди. Айнан мафкуравий ўлчов стратегик императив даража-сига кўтарилдики, жаҳоннинг бошқа мамлакатлари шу ўлчов асосида икки қутб - СССР ва АҚШ атрофида бирлаша бошладилар. Шу сабабга кўра Узоқ Шарқда жойлашган Япония ғарб дунёсининг таркибий қисмига айланди.

Албатта, жаҳоннинг уч дунёга бўлиниши ушбу нуқтаи назарга айрим ўзгартиришлар киритди. Биринчи дунё деб Европа ва Шимолий Америка, шунингдек Япония ва Осиёдаги иқтисодий тараққиётга эришган айрим мамлакатлар тан олинди. Бу мамлакатлар капиталистик тараққиётнинг илғор эшелони эди. Мазкур юртларнинг биринчи дунё деб аталишига жиддий сабаблар бор эди: улар СССР ташкил топгунига қадар шакл-ланиб бўлган ва европотсентрик дунёнинг олдинги ўринларини эгаллаб олган эдилар. Гарчи Совет Иттифоқи жаҳон харитасида 1917 йилги Октябр инқилобининг шарофати билан пайдо бўлган бўлса-да, иккинчи дунё иккинчи жаҳон урушидан кейингина шаклланди.

Гап шундаки, СССР халқаро сиёсий муносабатларга XX асрнинг 30-йиллари охирига келибгина жиддий таъсир кўрсата бошлади. қонли фуқаролар уруши, унинг оқибати бўлмиш очар-чилик, иқтисодиёт борасида амалга оширилган кўплаб бемаъни тажрибалар, ресурсларнинг узоқ муддат нооқилона сарфланиши, кенг миқёсдаги қатағонлар СССРга ўз маф-куравий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга ҳалал берарди. Бироқ гитлерча Германияни тор-мор этган Совет Иттифоқи иккинчи жаҳон урушини қудратли ҳарбий-сиёсий империя сифатида яқунлади. Натижада XX асрнинг ўттизинчи йилларида СССР капиталистик дунё учун фақат мафкуравий таҳдид солган бўлса, иккинчи жаҳон урушидан кейин реал ҳарбий таҳдид сола бошлади. Боз устига, фашистик қулликдан халос бўлган Шарқий Европа мамлакатлари, ундан кейин қатор Осиё мамлакатлари тараққиётнинг сотсиалистик йўлини танладилар. Шу кўйи жаҳон сотсиалистик тизими дунёга келди.

Айни пайтда колониал империяларнинг инқирозга юз ту-тиши оқибатида жаҳон харитасида янги мустақил давлатлар вужудга келдиларки, улар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий-сиёсий хусусиятларига кўра юқоридаги икки дунёнинг бирортасига ҳам мос тушмас эдилар. Ушбу мамлакатлар қатор умумий хусусиятларга эга эдилар. Иқтисодиётнинг қолоқлиги, ижтимоий-синфий таркибнинг заифлиги, қишлоқ хўжалигининг устиворлиги, миллий тадбиркорликнинг ривож-ланмаганлиги, анъанавий патриархал ва уруғчилик структураларининг сақланиб қолганлиги шулар жумласидандир. Ушбу мамлакатларни юқоридаги икки блокдан ажратиш мақсадида учинчи дунё деб атай бошладилар.

Иқтисодий ва молиявий ёрдам илинжида учинчи дунё мамлакатлари у ёки бу блок лидерларининг эътиборини жалб этиш учун мусобақага киришиб кетдилар. СССР ва АҚШ учун эса ушбу ривожланаётган мамлакатлар ўзига хос сахна вазифасини ўтадики, бу сахнада ҳар бир томон ўз таъсирини ўтказиш учун мафкуравий ва сиёсий кураш олиб борди. Ушбу кураш айрим ҳолларда локал ва минтақавий урушларга айланиб кетарди. Масалан, XX асрнинг 60-йиллари ва 70-йиллари бошларида Жануби-Шарқий Осиёда, 70-80 йилларда Анголада ана шундай урушлар бўлиб ўтди. Икки қутбли дунё ва совуқ уруш шароитида мамлакатни ташқи таҳдидлардан мудофаа қилиш масаласи икки ҳарбий-сиёсий блоklarнинг кўплаб функцияларидан бири эди, ҳолос. Асосий эътибор "ички" муаммоларни бартараф қи-лишга қаратилган эди. Ушбу "ички" функция АҚШ учун иттифокдош мамлакатларни ўз ҳукми остида ушлаб туриш, ғарбий Европа билан Шимолий Америка ўртасидаги алоқаларни мус-таҳкамлашдан иборат бўлган бўлса, СССР учун жаҳон сотси-алистик тизимини назорат остида сақлаш, уни ўзга системалар таъсиридан муҳофаза қилиш билан боғлиқ эди. Шу сабабдан, ҳар иккала мамлакат ҳам ўзини турли халқлар орзу-умидлари ва эҳтиёжларининг ифодачиси деб ҳисобларди. Ўз фаолиятларининг мафкуравий асосларини ишлаб чиққан АҚШ ўзини эркин дунё ҳимоячиси деб, СССР эса тинчлик, демократия ва сотсиализм таянчи деб эълон қилди.

Бунинг пировард натижаси ўлароқ икки блок ўртасидаги ихтилоф катта миқёсдаги курашга айланиб кетди. "Шарқ ва ғарб ўртасидаги курашнинг узоқ муддатли характери ва потен-сиал хавфи, - дейилади, масалан, "Уч томонлама комиссия" маърузаларидан бирида, - ҳозирги замоннинг икки қудратли давлатлари орасидаги зиддиятдан ҳамда турли ҳадриятларга асосланган икки қарама-қарши сиёсий-иқтисодий, ижтимоий системалар ўртасидаги келишмовчиликлардан келиб чиқади. Шу боисдан ҳам Шарқ ва ғарб ўртасидаги кураш узоқ вақтдан бери бутун дунёнинг марказий муаммоси бўлиб

турибди.»¹

Икки қудратли давлат ўртасида авж олиб кетган маф-куравий кураш, бир минтақада содир бўлган бир ижтимоий-сиёсий воқеанинг турлича талқин этилиши охир-оқибатда шунга олиб келдики, икки қутблилик иккинчи жаҳон урушидан кейинги дунёнинг моҳиятини ташкил этди. Ҳар иккала томон бир-биридан қўрқиб, хавфсираб яшади. Бунинг оқибатида НАТО ва ОАВ каби қарама-қарши сиёсий кучлар дунёга келдики, улар блокларнинг хавфсизлигини таъминловчи омил вазифаси ўтай бошлади.

Албатта, қўшилмаслик ҳаракатининг ривожланиши, Япония ва ГФР каби иқтисодий жиҳатдан қудратли мамлакатларнинг шаклланиши, Хитойнинг ядро давлатига айланиши, турли мин-тақаларда миллатчиликнинг вужудга келиши ушбу икки-қутблилик системасига жиддий ўзгартиришлар киритди. Бироқ, бундан қатъий назар, жаҳоннинг муҳим сиёсий масалалари иккиқутблилик принциплари асосида ҳал этиларди.

Икки қутбли дунё шароитида жаҳондаги вазият бир қадар тушунарли эди. СССР ўз ташқи сиёсатининг стратегияси ва асо-сий йўналишларини ишлаб чиқаётганида АҚШнинг реал душман эканлигини, АҚШ эса СССРнинг асосий рақиб эканлигини ино-батга оларди. "Нью-Ёрк таймс" газетасининг шарҳловчиси Т.Фридман ёзганидек, Кремл "АҚШ сиёсатининг йўлчи юлдузи эди". Сиёсий арбоблар шамолнинг қаёқдан эсаётганлигини (яъни Москва қайси позитсияда турганини) билсалар кифоя эди, АҚШ дархол шу позитсияга тескари бўлган нуқтаи-назарни қўллаб чиқиши аниқ бўларди-қоларди. СССРдаги вазият ҳам шунга ўхшаш эди.

Жаҳондаги бундай вазият барча халқларни юрак ҳовучлаб яшашга мажбур этарди. Бутун дунё турли манфаатлар соҳасига бўлиб чиқилгандики, у ёки бу минтақада юз берган уруш ёки келишмовчилик икки қутб орасидаги умумсайёравий курашнинг таркибий қисми сифатида баҳоланарди.

XX асрнинг тўқсонинчи йиллари бошига келиб Совет империясининг барҳам топиши икки қутбли дунёнинг ҳам ни-ҳоясига етганидан хабар берди. Жаҳоннинг ўнлаб мамла-катларига қандай фаолият кўрсатишни ҳукм этиб турган қудратли мафкуралардан бири жаҳон сахнасидан тушди. "Шарқ" ва "ғарб" тушунчаларининг мафкуравий мазмуни барҳам топди, ғарб оламига даҳлдор топилган Япония яна Шарққа қайтди. Бир қараганда, мафкуравий курашнинг ўзи ўтмишга юз туггандек эди. Аслида эса мамлакатларнинг гео-сиёсати мақсадлари ўзгарганди, холос. Эндиликда геосиёсий мақсадлар "муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақаларда кучайтиришга қаратилган сиёсатни ифодалайди.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: "Янги аср авлоди", 2001.

Бугунги кунда "жаҳон ҳамжамияти халқаро муносабатлар соҳасига демократия, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик тамойил-ларини қарор топтириш учун курашмоқда. Бундай шароитда зўравонлик қилиш, ҳарбий куч ишлатиш ва ҳатто иқтисодий исканжага олиш қатъий қораланиши аниқ. Лекин ўз ғаразли мақсадларига етишни кўзлаётган турли кучлар геополитиканинг энг таъсирчан воситаси сифатида мафжуравий қуролдан кенг фойдаланмоқда, одамлар онгига таъсир ўтказишнинг тубан ва маккор усуллари кўлламоқда". Кўриниб турибдики, мафжуралар уруши жаҳонда сусайгани йўқ, у ўзгача қиёфа ва шакл касб этди, холос. Бундай вазиятда энг мушқули кушод эндигина сиёсий мустақиллигини қўлга киритган мамлакатлар зиммасига тўғри келмоқда.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. XX аср бир-бирига қарама-қарши бўлган турли мафжуралар кураши даври бўлди. Бунга кескин ўзгариб борган халқаро вазият замин тайёрлади. Хусусан, халқаро вазиятнинг ўзгариши геосиёсат мақсадлари ва йўналишларининг ўзгаришига сабаб бўлди. Ўз навбатида, геосиёсий мақсаднинг ўзгариши янги халқаро вазиятнинг юзага келишига пойдевор яратди. Буни қуйидаги жадвалдан кузатишимиз мумкин:

№-аврлар

Халқаро вазиятнинг хусусияти

Геосиёсат мақсади ва йўналиши

1.

ХВИИ-ХИХ асрлар

Вестфалия ва Венада халқаро муно-сабатларнинг асосий принципларини эътироф этувчи шартномалар имзоланди. Бироқ ушбу шартномалар мамлакат ичкарасида исталган сиёсий режимни ўрнатишга имкон қолдирарди.

Мақсад: Мамлакат сиёсатини унинг географик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш.

Йўналишлар: Мамлакат гео-график имкониятларини умумлаштириш, ундан оқилона фойдаланиш йўллари топиш

2.

XX аср 20-45 йиллари

Мамлакат манфаатларини қон-дириш имконини берадиган ҳудуд чегараси кенгайиб кетди. Ўзга географик ҳудудларни махв этиш учун шарт-шароит яратиш зарурияти туғилди.

Мақсад: Ўз мафкурасини махв этилиши зарур бўлган гео-график ҳудудга сингдириш.
Йўналишлар: Мамлакатнинг шу географик ҳудудга бўлган даъвосини асослаб бериш, ўша ҳудуд аҳолисига "фаровон ҳаёт" ваъда қилиш.

3.

XX аср 45-90 йиллари

Иккинчи жаҳон урушининг якунланиши ва немис фашизмнинг тор-мор этилиши икки қутбли дунёни вужудга келтирди. "Совуқ уруш" бошланди.

Мақсад: Кишилар онги учун кураш

Йўналишлар: Ўз мамлакати танлаган тараққиёт йўлининг тўғрилигини асослаб бериш, ўз мафкураси тарафдорларини кўпайтириш, қарши мафкуранинг ривожланиши ва тарқалишига йўл бермаслик.

4.

XX аср сўнгги ўн йили

Совет Империясининг барҳам топиши янги мустақил давлатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Мақсад: Ўзга минтақалардаги ўз мавқеи ва таъсирини кучайтириш

Йўналишлар: Ўз турмуш тарзини, маданиятини тарғиб этиш, информатсион, психологик, технологик уруш

2.XX аср уч қудратли мафкуранинг (сотсиал-ре-формизм, коммунизм, фашизм) кураши остида кечди. Шунингдек, қарама-қарши бўлса-да, умумий хусусиятларга эга бўлган сотсиал-реформизм ва коммунизм миллионлаб кишиларни немис фашизмга қарши курашга чорлади. Бунинг оқибатида немис фашизми идеологияси барҳам топди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллар эса ижтимоий-реформистик капитализм ва революцион сотсиализм (коммунизм) ўртасидаги кураш билан боғлиқ бўлди.

3. СССРнинг парчаланиб кетиши мафкуранинг, мафкуравий курашнинг сусайишига эмас, геосиёсий мақсад ва йўналиш-ларнинг ўзгаришига олиб келди. Ақсинча, мафкуравий кураш янада нозиклашди ва кескинлашди. Ушбу курашнинг асосий қийинчилиги эндигина мустақил бўлган давлатлар эиммасига тушди.

II БОБ. МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН ХАЛҚЛАРНИНГ ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШ ДИНАМИКАСИГА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИНГ ТАСИРИДА МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙ ЮКСАЛИШ ВА ЭВРИЛИШЛАР

2.1 Мустақил Ўзбекистоннинг истиқлол даврида дунё ҳамжамияти даврасига кириб бориши: сиёсат, иқтисод, ижтимоий ҳаёт ва маданият.

Тўксонинчи йилларнинг боши саросима, ишончсизлик ва ижтимоий фрустратсия йиллари бўлди. Эски худолар тахтдан туширилди, турли ғоявий-сиёсий конструкциялар эл ишончини йўқотди ва ўтмишнинг кўплаб диний таълимотлари каби ўтмишга йўл олди. У ёки бу тарзда "жон сақлаб қолган" ғоялар эса энди халқларни ўз ортидан эргаштира олмай қолди. Радикал сотсиалистик ва коммунистик утопиялар барҳам топиши билан бирга унинг ўрнини босадиган ҳамда турли халқларнинг орзу-умидларини ифодалайдиган ғоялар ишлаб чиқилмади.

Энг эътиборли жийи шундаки, кишилар бирор бир ғояга – на реформаторларга, на революционерларга – ишонмай қўй-дилар. Улуғ дастурлар, улуғ таъқиқлар, улуғ шиорлар эндиликда уларни жунбушга келтирмаётир, ҳайратга солмаётир. Тўксонин-чи йиллар бошида энг мантикли ғоялар ҳам кишиларнинг бефарқлиги туфайли қудратли кучга айлана олмади.

Ўта мафкуралаштирилган Совет давлатининг барҳам топи-ши билан коммунистик утопия ҳам инқирозга юз тутди ёки, аксинча, коммунистик утопия инқирозга юз тутиши билан Совет давлати ҳам барҳам топди. Марксизм-ленинизм инқироzi XX асрнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Ушбу инқироз сотси-алистик тараққиёт йўлини танлаган кўплаб мамлакатларни аросатда қолдирди. Сўллик ва сўл ғоявий-сиёсий оқимлар ўз халқчиллигини йўқотди. Энди коммунистлар икки йўлдан бирини танлашга мажбур бўлиб қолдилар: биринчиси, ўз анъ-анавий ғоялари ва позитсияларига содиқ қолиб, янада кучлироқ мафжуравий кураш олиб бориш; иккинчиси, умумётироф этил-ган қоидаларни қабул қилиб, ўзга мафкураларнинг ижобий тажрибаларини ўзлаштириш. Биринчи йўл мантикий равишда коммунизм ғаяларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдан суриб чиқарилишига олиб келади. Чунки шундоқ ҳам халқчиллигини йўқотган ғояларни ўжарлик билан такрорлайвериш ўзга инти-ҳога қадам қўймаслиги аниқ. Иккинчи йўл эса коммунизм ғоя-ларининг ўзга мафкуралар бағрида сингиб, йўқолиб кетишига олиб келади. Чунки ўзга мафкураларга эшикларини очиб берган ҳар қандай утопия ўзини ўлимга ҳукм қилган бўлади. Хуллас, қайси томондан ёндашманг, коммунизм ғоялари ўз анъанавий шаклида сўнгги йилларини яшаётганига амин бўламиз¹.

Сотсиалистик тенглик ҳақидаги афсоналарнинг ўз кучини йўқотиши ижтимоий-тарихий тараққиётнинг ғарбча йўли тўғри эканлигидан далолат бермайди. Биргина фактни тилга олайлик: дунё бозор муносабатлари принципларини қабул қилаётган бир пайтда ғарбнинг ўзида бозор иқтисодиёти, шаклланган сиёсий демократия қоидаларини танқид қилиш кучайиб бормоқда. Боз устига, айнан ғарб икки бора жаҳон урушини бошлаб бер-

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.-Б.87.

ганини, тоталитаризм ва авторитаризмнинг турли шакллари "кашф этганини" ҳам унутмаслигимиз лозим.

Бундай икки тарафлама инқироз, биз аввалги параграфда таъкидлаб ўтганимиздек, мафкуранинг ўзи ўтмишга юз тутга-нидан далолат бераётгандек гўё. Мафкура оламида "қора доғ" – бўшлиқ вужудга келди. Бунга асосланган айрим псевдо-мафкурашунослар (афсуски, улар орасида ўзбек олимлари ҳам талайгина) мафкурадан воз кечиш даври келди, деб хулоса чиқардилар. Гўё прагматик либерализм даври юзага келаётгандек туюлди уларга. Бироқ ҳақиқат шуки, мафкура ҳеч қачон тарих мулкига айланмайди. Ҳар қандай жамият маънавий соҳасининг назарий даражаси, ижтимоий онгнинг система-лаштирилган қатлами (назарий онг) мавжуд бўлар экан, мафкура яшайверади. У барча замонлар ижтимоий-тарихий тараққиёт характери ва йўналишига таъсир кўрсатувчи қудрат бўлиб қолаверади. Хўш, шундай экан, бугунги кундаги маф-куравий беқарорликни, кишилардаги мафкуравий бефарқликни қандай баҳоламоқ керак?

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, мафкуравий беқарорлик дегани асло мафкуравий бўшлиқни (яъни кишилик жамиятида мафкуранинг бутунлай йўқлигини), мафкуравий бефарқлик эса асло мафкурадан хоилиқни англатмайди. Чунки кишилик жамиятининг бирор бир кўриниши (немис жамияти, ўзбек жамияти, япон жамияти) маълум муддат мафкуравий бўшлиқни бошидан кечириши мумкин, бироқ кишилик жамиятининг ўзи (яхлит ҳолда) мафкурасиз бўлиши мумкин эмас. Худди шу каби, кишилар ёлғондакам, ҳақиқатдан йироқ маф-курани тўлиқ англамасдан қабул қилишлари мумкин, бироқ ҳар қандай мафкуравий таъсирдан ташқарида бўла олмайдилар.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, биринчидан, бугунги кунда мавжуд бўлган кўпгина мафкуралар яхлитлик ва изчилликдан ниҳоятда йироқ. Уларда жамият ҳаётининг маълум жабҳалари қамраб олинади, холос. Дарвоқе, ушбу ҳолат жаҳон тарихий тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Чунончи, халқаро муносабатлар хилма-хил мафкураларга бўйсунганлари боис бир-бирига зид бўлган, яхлитликдан йироқ иқтисодий, ижтимоий- сиёсий ва маънавий омиллар юзага келмоқдаки, улар жаҳон тараққиётини тенденциявийлик хусусиятидан маҳ-рум этиб, тасодифий тус бермоқда. Ваҳоланки, икки қутбли дунё шароитида жаҳонда юз берган воқеанинг моҳиятини (капи-талистик ёки сотсиалистик характерини) мафкура нуқтаи назаридан илғаб олиш ҳамирдан қил суғургандек осон эди. Ҳозирги шароитда эса халқаро воқеаларнинг асл мақсади ва моҳиятини аниқлаш ниҳоятда мушкул. Айниқса мафкуравий характерга эга бўлган халқаро воқеаларнинг мақсади ва йўналишини аниқлаш амри маҳол. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов мафкура полигонларини ядро полигонларига нисбатан кўпроқ кучга эгаллигини таъкидлар экан, "агар ҳарбий, иқтисодий,

сиёсий тазйик бўлса, буни сезиш, олдини олиш мумкин, ammo мафкуравий тазйик, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш нихоятда қийин", - дейди.

Иккинчидан, постиндустриал инқилоб, урбанизатсия, информатизатсия, глобализатсия жараёнлари фойда кетидан қувадиган, асосан моддий манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга интиладиган люмпенларни² вужудга келтирдик, бундай кишилар ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай афсонаю ғояни ҳам қўллаб-қувватлашга қодирлар. Бундай ҳолат мамлакат хавфсизлигига бекиёс таҳдид солиши табиий.

Кишилиқ жамиятида бутун-бутун халқларни ягона байроқ остида бирлаштиришга қодир бўлган қудратли мафкураларнинг йўқлиги, кишиларнинг эса ўз онглари ва фаолиятларини қамраб олаётган мафкураларга бефарқликлари қатор ғайриинсоний, вайронкор ғояларнинг ривож топишига имкон яратмоқда. Турли жамиятлар анъанавий диний ва мафкуравий қадриятлар, нормалар ва мўлжаллардан воз кечар эканлар, осойишта ҳаёт ваъда қилувчи янги ғоя ва афсоналарнинг илдиз отиши учун шарт-шароит яратиб бермоқдалар. Бундай вазиятда диний экстремизм, миллатчилик, неототалитаризм, неоавторитаризм, шовинизм каби қўллаб ғоя ҳамда идеаллар шаклланиб ва тарқалиб бормоқдаки, уларнинг айримларини тилга олиб ўтсак.

Ҳозирги замоннинг мафкуравий манзарасида сезиларли аҳамият касб этаётган вайронкор ғояларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Зотан, ўзбек жамиятининг тараққиётига хавф солаётган ғояларни (шовинизм, неототалитаризм, расизм, сотсиал - дарвинизм, антиутопия ва шу қабилар) мамлакатимиз фуқароларига бевосита сингдиришга уринилаётган ғоялардан (миллатчилик, диний экстремизм, миллий маҳдудлик ва шу қабилар) ажрата билиш лозим.

Ўзбек жамиятига катта хавф солаётган ғоялардан бири шовинизмдир. Уни Президент И.Каримов “муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқти-содий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин”. Шовинизм тарафдорлари ўз миллатларининг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳаддан зиёд улуғлайдилар, уларни бошқа миллат ва элатлар ҳисобига бўлса ҳам қондиришни тарғиб этадилар. “Иқтисодий имкониятлари заифлашган, ижтимоий тотувликка зил кетган, ички зиддиятлар кучайган, Ватан, миллат тақдирдан ўзининг тор манфаатларини устун қўядиган, ўзаро келиша олмаётган, ҳокимиятга даъвогар сиёсий гуруҳларнинг мавжуд муаммоларни ташқи кучлар ёрдамида ҳал қилишга уриниши ва маънавий-руҳий парокандалик, эртанги кунга ишончсизлик туйғулари ҳукмрон бўлган мамлакатлар буюк давлатчилик шовинизми нишонига айланишини замонавий тарих ҳам кўрсатиб турибди”.

Миллат ва элатларнинг ягона тоталитаристик тизим шароитидагина фаровон ҳаёт

кечира олишини тарғиб этувчи неототалитаризм ғоялари ҳам жамиятимиз тараққиёти учун катта хавф туғдирмоқда. Чунки ушбу ғоя тарафдорлари миллатларни яна империя шароитига қайтаришни, яна мустақиллик қадриятларига панжа ортидан қарашни таклиф этадилар. Асрлар давомида орзу қилиб келинган мустақиллик миллатимиз учун қимматга тушди. Биз империябозлик ва тоталитаризм кулфатларини бисёр татиб кўрдик. Шу боис ўзбек халқи энди бирор бир янги тоталитаристик тизимларда ҳаёт кечиришни истамайди.

Юқоридаги ғоялар билан бирга қатор вайронкор ғоялар ҳам мавжудки, жаҳондаги турли сиёсий кучлар уларни ўзбек халқининг онгига сингдиришга интиломқдалар. Ибтидога қайтиш ғояларини тарғиб этувчи диний экстремизм ана шундай ғоялар туркумига киради. У XX асрнинг 90-йилларига келиб, айниқса кескин тус олди. Ушбу ғоянинг энг дахшатли томони шундаки, у бугунги кунда интегратсияга интилаётган инсониятни "биз-никилар" ва "беғоналарга" бўлмоқда. Айтиш жоизки, диний экс-тремизм нафақат ислом, балки христиан дини ғояларига ҳам асосланиши мумкин. Бироқ ислом диний экстремизми ўзининг мурасасизлиги билан танилган. "У ўзининг икки хусусияти билан ажралиб туради:

- уларнинг ақидаларига кўра, гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳилия (исломдан аввалги) асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини танқид қилишга асос бўлиб хизмат қилади;

- улар гўё фақат ҳақиқий мусулмонлар, яъни уларнинг ўз-лари ҳокимиятга келгач, барпо бўлажак исломий тартибни ўрнатиш учун кескин ва агрессив ҳаракат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар".¹

Ислом диний экстремизмининг энг ёрқин ифодаси ваҳҳо-бийлик бўлиб қолмоқда. Суннийларнинг 1,5 фоизини ташкил этувчи ва ханбалийларга мансуб бўлган, ўз мақсадини ислом динини асл ҳолатига қайтаришдан иборат деб билган ваҳ-ҳобийлик аслида ҳокимият учун курашиш йўлида вужудга келган сиёсий ҳаракатдир. Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб ғоявий қарашларига таянган ваҳҳобийлар Шарқ халқлари ўртасида нифоқ солишда, уларни мустамлака қилишда ўз "ҳиссаларини" кўшдилар. Мусулмончиликдан йироқ бўлган бу оқим тарафдорлари 1802-1803 йилларда Расули акрам саҳобаларидан бирининг Жубайлидаги қабрини, Муҳаммад пайғамбарнинг набиралари имом Ҳасан ва имом Ҳусаннинг қабрларини, кейинроқ бориб Макка ва Мадинадаги қабр тошларини, ҳатто Расули акрамнинг умр йўлдоши Ҳазрати Биби Ойша, қизи Биби Фотиманинг қабрларини бузиб таштадилар. 1810 йилда эса Расули акрамнинг масжидини вайрон қилиб, талаб олинган безакларни сотиб юбордилар. 2001 йилда ваҳҳобийларнинг қўли билан Афғонистонда икки минг йилдан буён сақланиб келган

ўнлаб тарихий ёдгорликлар Ер юзидан йўқ қилиб ташланди.

Маълумки, наркотик моддалар истеъмол қилиш ХХИ аср бўсағасида умумбашарий муаммога айланди. Айниқса, Европанинг йирик шаҳарларида истиқомат қилаётган ёшлар орасида гиёҳвандлар сони кўпайиб бораётир. Бу эса, ўз навбатида, нар-котик моддаларга бўлган эҳтиёжни ошириб бормоқда. Жаҳон-даги наркотик моддаларнинг қарийб 90 фоизини экспорт қилаётган Афғонистон имкониятлари энди бу эҳтиёжларни тўлиқ қопламай қўйди. Наркотик моддаларни ишлаб чиқариш имконини берадиган янги давлат ташкил этиш зарурияти туғилди. Шу боисдан наркобизнес лидерлари жаннатмакон ўлка бўлган Ўзбекистонга ҳам кўз олайтирмоқдалар. Бугунги кунда вахҳо-бийлар ана шундай даҳшатли, ғайриинсоний ғояга хизмат қилмоқдалар.

Бугунги кунда жаҳондаги айрим сиёсий кучлар ўзбек жамияти аъзоларига миллатчилик ғояларини сингдиришга ҳам ин-тилмоқдалар. Глобализатсия жараёни умуминсоний кадриятлар миқдорини ошириш билан бирга миллий кадриятлар, анъаналар ва урф-одатларга таҳдид солаётгани рост. Жаҳон сиёсий оламидаги айрим кучлар ушбу фактдан ҳам ўз ғаразли йўлларида фойдаланмоқдалар. Ҳокимият учун кураш, сиёсий "обрў" орт-тириш мақсадида бу кучлар миллатчилик ғояларини ўзларига қалқон қилмоқдалар.

Миллатчиликнинг жозибаси шундаки, у энг бачкана, энг одатий ҳолларни, тимсолларни эркинлик ва миллий ўзлик ифодаси сифатида талқин қила олади. Умумсайёравий сивилизатсия шаклланаётган бир шароитда ороми ва осойишталигини йўқо-таётган инсон миллатчилик ғояларининг "шарофати" билан ҳаётдан маъно, ўз ташвишларидан қутулиш борасида елкадош топгандек бўлади, ўзини буюк этнос вакили сифатида ҳис этади. Шу сабабдан ҳам кишилар ташвишларга тўла, ҳаётининг маъ-носи йўқолиб бораётгандек туюлган даврда миллатчилик ғояла-рига мурожаат қиладилар.

Жамиятнинг замонавийлашиб, космополитлашиб, шахсизлашиб бориши билан миллатчиликка бўлган эҳтиёж камайиб эмас, ошиб боради. Ушбу жараёнлар ва феноменлар оқибатида миллатлар ўртасидаги фарқ ва чегаранинг йўқола бориши ки-шиларда турли гуруҳларга бирлашиш заруриятини вужудга келтиради. Янги тенденциялар анъанавий тафовутларни йўқотиб юбораётган бир шароитда миллатчилик одатий, таниш ва кўникилган қоидаларни тиклаётгандек кўринади. Шу боис миллат-чилик ғоялари ҳали ўз имкониятларини тўлиқ сарфлаб бўлгани йўқ.

Диний экстремизм, миллатчилик ва уларга ўхшаган кўплаб ғояларнинг асосий таъсир объекти эндигина мустақиллигини қўлга киритган мамлакатлар бўлиб қолаётганини кўрсатиб ўтдик. Чунки геосиёсатнинг асосий мақсади ўз мавқеини ўзга минтақаларда мустаҳкамлашдан ва шу минтақаларни ўз таъ-сири остига олишдан иборат бўлган бир

даврдда жаҳондаги турли сиёсий кучлар ёш суверен давлатларни ўз манфаатлари доирасига киритмоқдалар, уларнинг мустақиллигини заиф-лаштириш мақсадида биз тилга олган ғояларни тарғиб эт-моқдалар. "Минтақада шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кес-кинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда". Ушбу воситаларни шартли равишда уч йўналишга тааллуқли топиш мумкин.

1. Информатсион уруш. Мустақил мамлакатлар ҳудудида маълум турмуш тарзини, кадриятлар тизимини улуғловчи рисоалар, варақалар, санъат асарлари, кинофилмлар, ахбо-ротлар ва ҳоказолар тарқатилмоқда. Информатсия узатиш имко-ниятлари кенгайиб кетган бир шароитда информатсион урушнинг хавфи оқибатларини тил билан баён этиш мушкул бўлса керак. Чунончи, 1665 йилда 10 та, 1800 йилда 100 та, 1850 йилда 1000 та, 1900 йилда 10 мингта, 1960 йилда 100 мингта журнал нашр қилинди. 2 XX аср ниҳоясига келиб, уларнинг сони 1 миллионга етди. Газеталар миқдорининг ривожини ҳам худди шу тарзда давом этди. Тўқсонинчи йиллар арафасида фақатгина АҚШда 1850 даврий нашр мафкуравий мақсадларга қўлла-нилди. 3 Бизнинг даврга келиб, спутник антенналарининг маи-ший турмушга кириб келиши, "Интернет" тизимининг ривожла-ниши информатсия узатиш имкониятларини бир неча ўн баробарга мукаммаллаштирди ва тезлаштирди. Ушбу ҳолнинг информатсион урушга таъсири бекиёслигини кўриш қийин бўл-маса керак.

2. Психологик уруш. Мустақил давлатларнинг аҳолиларига танланган йўлларининг нотўғри эканлигини сингдиришга, улар-ни охир-оқибатда ижтимоий ларзалар қутаётганини асослашга интилинмоқда. Масалан, фақатгина 1999 йилнинг сентябр ойидан 2000 йилнинг март ойига қадар "Независимая газета"нинг "Интернет" даги сайтларида Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт кескинлашиш арафасида тургани тўғрисида айюҳаннос солувчи 20 га яқин материал эълон қилинди. Буларнинг барчаси миллат руҳини тушириш, уни танлаган йўлидан қайтариш ва ҳомий ахтаришга мажбур этиш мақсадида амалга оширилаётир.

3. Технологик уруш. Мустақил давлатларнинг эътиборини жалб этиш мақсадида ўз иқтисодий, ижтимоий, информатсион технологияларини тарғиб этишга уринилмоқда. Бундан кўзлан-ган мақсад шуки, ушбу технологияларни жорий этиш бозори вужудга келтирилса, янги технологиялар билан бирга ўз тарақ-қиёт моделини ҳам сингдириш, экспорт қилиш имкони яра-тилади.

Ушбу мулоҳазаримиздан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. XX асрнинг тўқсонинчи йилларига қадар ҳукм сурган сотсиал-реформистик ғоялар ва коммунистик утопия ўзини оқламагани боис ХХИ аср арафасида жаҳонда, бир

томондан, мафкуравий бекарорликни, иккинчи томонда эса, мафкуравий бефарқликни вужудга келтирди. Хусусан, мафкуравий бекарорлик жаҳонда бутун-бутун халқларни жипслаштириш имконига эга ғояларнинг йўқлигида намоён бўлаётган бўлса, мафкуравий бефарқлик кишиларнинг ўз онги ва фаолиятларини эгаллаётган ғояга эътиборсизликларида ўз ифодасини топмоқда.

2.Бундай шароитда диний экстремизм, миллатчилик, неото-талитаризм, неоавторитаризм каби ғайриинсоний ғоялар ри-вожланиши ва тарқалиши учун шарт-шароитлар ҳосил бўл-моқдаки, ундан энг аввало эндигина мустақиллигини қўлга киритган мамлакатлар айниқса катта зарар кўрмоқдалар. Ушбу ғоялар турли сиёсий кучларнинг геополитик мақсадларини рўёбга чиқариш мақсадида тарқатилмоқда ва тарғиб этилмоқда.

3.Мустақил давлатларга қилинаётган мафкуравий тазйиқ информатсион уруш, технологик уруш сифатида олиб борилмоқдаки, уларнинг асл мақсади миллатга бегона турмуш тарзи ва кадриятлар системасини сингдириш, танлаган йўлидан оздириш, ўз технологиясини жорий этиш, охир-оқибатда эса уни ўз таъсири остига олишдан иборат.

”Менталитет” – лотинча ”менс”- ақл , идрок, жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти руҳий қуввати.

Маълумки, иймон-е`тиқоди ва ижодий меҳнати билан бошқа барча тирик жонзотлардан фарқ қилади. Инсон-онгли мавжудот. Онгни шартли равишда иккита катта қисмга бўлиш : Биринчиси-инсоннинг руҳий олами, иккинчиси-фикрий олам, я`ни тафаккур оламидир. Умуман, г`оя инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли та`сир о`тказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари этаклайдиган кучли, теран фикр демакдир.

2. Инсоният тарихидан маълумки, барча даврларда ҳар бир давлат ва халқнинг, жамиятнинг о`зига хос мафкураси бўлган. Чунки жамиятнинг, халқнинг о`з олдига қўйган мақсади уни амалга оширишда жамият аҳлини бирлаштирадиган, сафарбарликка ундайдиган мафкураси бўлмаса муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум бўлади.

Инсон тафаккурини махсули сифатида г`оя теварак оламни о`рганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари илм-фан, дин, фалсафа, сан`ат ва адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ-муайян бир г`ояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, г`ояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин:

Илмий г`оялар:

Фалсафий г`оялар;

Диний г'оялар;
Бадиий г'оялар;
Ижтимоий-сиёсий г'оялар;
Миллий г'оялар
Умуминсоний г'оялар;

Г'оя ва мафкура мазмун-моҳиятига ко'ра бунёдкор ёки зарарли бо'либ, бунёдкорлик г'оялари инсонни улуг'лайди. Унинг руҳига қанот бағ'ишлайди.

Эзгу г'оялар инсонни юксак орзулар билан яшашга, олижаноб мақсадлар ё'лида э'тиқод билан курашишга о'ргатади. Бузг'унчи г'оялар эса халқлар бошига катта кулфатлар келтиради. Инсон ва жамият бор экан, эзгулик г'ояларининг зидди бо'лган зулм ва зо'равонлик, қабохат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бо'лишга уринади. Лекин улар инсониятнинг адолат, тенглик, тинчлик, қардошлик ривожланиш ва фаровонлик г'ояларига таяниб, юксак мақсадлар сари интилишларини то'хтата олмайди. Эзгу ва юксак г'оялар одамларни ҳамиша олижаноб мақсадлар сари этаклайверади.

Бунёдкорлик г'оялари юртни обод, халқ ҳаётини фаровон қилишдек олижаноб мақсадлар билан ажралиб туради. Улар инсоният тараққиётга эришган даврлардан буён жамият ҳаётининг энг эзгу г'оялари сифатида яшаб келмоқда.

Ҳар қандай назария ёки та'лимот бир тизимга солинган г'оялар мажмуидан иборат бо'лади. Дунёқарашнинг негизини ва муайян ишонч э'тиқодининг асосини ҳам г'оя ташкил этади.

Одамлар, ижтимоий синф ва қатламларнинг миллат ва давлатларнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳам г'ояларда ифода этилади. О'з олдига қўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани бунга қандай ё'للар билан эришмоқчи бо'лаётгани ҳақидаги г'оялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиятнинг миллий мафкурасининг асосини ташкил этади.

Мафкура-муайян ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-ма'навий тамойилларини ифода этадиган г'оялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир.

Жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бо'лмаса, о'з олдига қўйилган аниқ бир мақсад-муддаоси бо'лмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутаяди.

Мақсад эса-халқни, миллатни бирлаштирувчи, унга куч-қудрат, руҳий озуқа берувчи, истиқболга бошловчи байроқдир. Президентимиз со'злари билан айтадиган бо'лсак: «Бу байроқ бутун О'збекистон халқининг руҳини, г'урур-ифтихорини, керак бо'лса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуг' кучдир.

Давлатимизнинг, халқимизнинг, юртимизнинг мақсади о`зининг улуг`ворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бо`лмоғ`и лозим. Токи бу мақсад халқни, миллатни-миллат қила билсин, қо`лимизда енгилмас бир кучга айлансин». (И.А.Каримов.)

3. Инсонлар, халқлар, жамиятлар ҳаётида мафкура муҳим рол о`йнайди. Юртбошимиз со`злари билан айтадиган бо`лсак:-мафкура бо`лмаса одам, жамият, давлат о`з ё`лини ё`қотиши муқаррар. Мафкуранинг ҳаётбахш кучи, аввало инсоннинг жамиятдаги о`рни ва аҳамиятини қандай тушуниш ва уни қандай ижтимоий мақомда тасаввур этишга бог`лиқ. Чунки инсонни ижтимоий ҳаракат ва фаолиятга ундаш ва шу тариқа ко`зланган муайян мақсад-вазифаларга эришиш дунёдаги барча мафкураларнинг ма`но-моҳиятини ташкил этади.

Шу ма`нода, Миллий истиқлол г`ояси: асосий тушунча ва тамойиллари тизимида инсоннинг жамиятдаги о`рни ва мақоми аниқ белгиланганлиги диққатга сазовордир. Я`ни бу тизим инсонни бунёдкор куч сифатида та`рифлайди ва шунга да`ват этади. Истиқлолнинг бош г`ояси ҳам, асосий г`оя ва тушунчалари ҳам бунёдкорлик фалсафаси билан ё`г`ирилган. Чунки бунёдкорлик халқимизнинг энг олижаноб фазилати. Юртбошимиз та`бири билан айтганда, о`збек том ма`нода бунёдкордир, до`пписида сув ташиб бо`лса ҳам дарахт ко`картиради¹.

4.Енди Бунёдкор г`оя, ҳақида со`з юритар эканмиз, бунёдкор г`оя деб, инсонни улуг`лайдиган, унинг куч г`айрати ва салоҳиятини ошириб халқи, Ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сафарбар этадиган, о`зида тараққиёт, ма`рифат, до`стлик, тинчлик, ҳалоллик, поклик каби эзгу мақсадларни мужассам этадиган г`ояга айтилади.

Бунёдкор г`оялар билан қуролланган кишилар фаровон ҳаёт, эркин жамият қуриш учун кураш олиб борганлиги тарихдан ма`лум. Бунёдкорлик г`оялари юртни обод, халқ ҳаётини фаровон қилишдек олижаноб мақсадлар билан ажралиб туради. Улар инсоният тсивилизатсиясига эришган даврлардан буён жамият ҳаётининг энг эзгу г`оялари сифатида яшаб келмоқда. Бунёдкорлик ота-боболаримиздан меросдир. Инсоният тарихида одамлар онги ва шуурига адолат, ҳақиқат, эзгулик, меҳнатсеварлик, каби юксак г`оялар уруг`ини сепган зот, пайг`амбар Зардушт яратган «Авесто» китобида қуйидаги сатрлар мажуд: «Езгу фикр, эзгу со`зларга, эзгу ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон со`зу ёмон ишлардан юз о`гираман». Бу юксак г`оялар бундан 2700 йил муқаддам яшаб о`тган ватандошимиз Зардуштнинг о`лмас мафкураси эди.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.-Б.47.

Хитой ва ҳинд мутафаккирларининг жамият ривожига ҳақидаги қарашлари ва бунёдкорлик г'оялари ҳам Осиёнинг «Шарқона» ма'навиятида о'зига хос о'рин тутади. Жумладан, буюк Хитой мутафаккири Конфутсий (мил. ав. 551-479) г'оялари ҳанузгача Хитой халқи мафқурасида этакчилик қилиб келмоқда. Бу г'оянинг асоси жамиятни ҳар қандай ижтимоий ларзалардан асраб қолиши ва инсонлар манфаатини юқори қўйишга қаратилган. Алломанинг мақсади халқни мавжуд тартиб қоидаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш бўлган. Бу г'ояга қўра инсонлар жамиятнинг табиий тараққиётига қарши чиқмаслиги, я'ни инқилобий ё'лни танламаслиги керак. Конфутсия инсоният ҳақида фикр юритар экан, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатпарварлик, ҳақг'ойлик, самиймият, фарзандлик иззат-ҳурмати каби юксак ма'навий фазилатларга эришиши туфайли камолотга этишуви мумкин деб, ҳисоблайди.

Ҳинд халқининг буюк фарзанди Маҳатма Ганди (1869-1948) о'з ма'навияти, г'оялари билан XX асрнинг буюк шахсларидан бирига айланди. У мустамлакачиларга қарши курашнинг тимсоли эди. У ҳиндлар билан мусулмонларнинг о'заро до'стлигини мустаҳкамлашга интилди. Ганди дин билан сиёсатни бир-бирига боғ'лашга ҳаракат қилди. Фидойилик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатди.

Буюк мутасаввуфлар: Хожа Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Г'иждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Муҳаддислар: Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг та'лимотларида акс этган комил инсон г'оялари адолат ҳақидаги қарашлар жамиятнинг соғ'лом ма'навий ахлоқий руҳини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу г'оялар Ватан ва халқ манфаати ё'лида фидойилик ва инсонпарварликни улуғ'лайди.

Езгу г'оялар Маҳмуд Қошғ'арий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Мирзо Абдулқодир Бедиллар ижодида чуқур о'рин эгаллади ва о'збек давлатчилигининг ривожланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Амир Темурнинг «Темур тузуклари»; Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» китобларида давлат идораси ва аҳли фуқарога муносабатда адолат, инсоф, диёнат, эл-юрт тинчлиги ва ободлиги бош г'оя сифатида илгари сурилди. Бу г'оялар Темурийлар давлати г'оявий тамойилларининг устивор ё'налиши эди. Қо'ҳна Турон о'з бошидан кечирган буюк тарихий воқеалар ичида Амир Темурнинг бунёдкорлик г'оялари ва амалий фаолияти катта аҳамиятга эга.

Инсон ва жамият ижтимоий тараққиётида бунёдкорлик г'оя ва мафқуралари хилма-хил, уларнинг аҳамияти бекиёсдир. Шундай бунёдкор г'оялардан бири Жанубий Қурия

мамлакати ривожига катта ҳисса қўшган фидоий инсон Ёнг Ки-Кимнинг фаолияти ва бунёдкорлик ишлари диққатга сазовор. 1930 йилларда «12 оила-қишлоқда» деган ҳаракатни бошлаб гиёҳ ҳам қўрмаган ташландиқ тепаликни сотиб олиб, обод қилишга киришади.

Кейинчалик фермерлар тайёрланадиган «Канаан» (Имкониятлар мактаби) ни очади. У ҳамisha фақат ташландиқ, гиёҳ о`сиши қийин бўлган эрларни олиб, обод қилиб одамларни о`з ташаббуси, г`ояси билан орқасидан эргаштириб мамлакат ривожига ва ободонлигига о`з ҳиссасини қўшади. Бугунги кунда «Канаан» та`лим даргоҳининг бош мақсади-тингловчиларда инсоний э`тикод туйғ`уларини шакллантириш, уларга инсоний фазилатлар-комиллик, о`заро тенглик, биродарлик, ватанпарварлик ҳисларини сингдиришдир.

Ватан ва миллат равнақи ё`лида фидокорони меҳнат қилиш, туг`илиб о`сган Ватанни жондан ортиқ севмоқлик шарт эканлиги г`ояси ҳар бир тингловчига сингдирилади. Битта фидоий, ватанпарвар инсоннинг юксак г`ояларга асосланган ишлари бугунги кунда кенг тарқалиб Жанубий Қуриянинг обод бўлишига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

5. Инсоният тарихида эзгулик ва бунёдкор г`оялар билан ёвузлик ва бузг`унчилик г`оялар о`ртасида ҳамisha кураш бўлганлигини биламиз.

Инсониятнинг, жумладан, О`збекистоннинг бир неча юз йиллик тарихида ҳам турли босқинчиликлар оқибатида зулм, зоравонлик, кулфат уруғ`ларини сочиш ва қон то`килишига сабаб бўлган бузг`унчи г`оялар ва мафкураларнинг ҳалокатли та`сири билан бог`лиқ қайг`ули саҳифалар жуда қўп. Бу г`оялар о`зларида сиёсий босқинчилик ва мустабидлик интиллаларини гоҳ яширин, гоҳ ошкора ифодалаган ҳолда диний, миллий, сифий шиорларни байроқ қилиб чиққан.

Жумладан, большевизм билан бир қаторда, XX асрнинг бошида мустабид г`оя ва мафкуранинг бошқа шакли-фашизм пайдо бўлди.

Большевизм мафкураси бўлган коммунистик та`лимот халқларнинг миллий-етник о`зига хосликларини ё`қотиш, «пролетар байналминаллиги» шиори билан майдонга чиққан бўлса, фашизм бир ҳукмрон миллатнинг «ирқий-етник софлиги» ни мутолқлаштиришни тарг`иб-ташвиқ этди. У ирқчиликнинг хомийси ҳисобланади.

«Расизм» со`зи «раса» (ирқ) атамасидан келиб чиққан. Бу атама ХВВИ асрдан бошлаб Европада «инсоният насли» ни турли ирқий гуруҳлар, жумладан, «оқ» ва «сарик» ирққа ажратиш учун қўллана бошлади.

Ирқчилик та`лимоти «оқ танли» ларнинг афзаллиги, уларнинг азалдан «олий ирқ» этиб танлангани, бошқа ирқларнинг эса «оқ» ларга қараганда номукаммал яратилганлиги ва ҳамisha тараққиётнинг қуйи пог`оналарида туришини асослаб беради. Унинг асосий

г'ояси о'зининг «илоҳий» табиатига ко'ра «оқ» ирқларни «қуйи» ирқлар устидан ҳукмрон қилишга да'ват этишга қаратилган эди. Ирқчилик миллий мансублиги ва терисининг рангига ко'ра турувчи кишиларга тазйиқ о'тказиш, уларни ҳақоратлаш, уриш ва о'лдириш каби ҳаракат ҳодисаларда яққол намоён бо'лди.

Ирқчилик-ко'п қиёфали

Масалан о'зини олий ирқ ҳисоблаган инглиз, испан, франтсуз босқинчилари о'рта асрлар ва айниқса, ХВИИИ-ХИХ асрларда Америка, Австрия, Африка ва Осиёда эрли халқларни ко'плаб қириб ташладилар.

Яна бир ёвуз г'оя-терроризм бугунги кунда ҳам инсониятга катта таҳдид солмоқда. Инсонията доимий қо'рқув,

фитна, г'аламислик муҳитини вужудга келтириш, зо'равонлик ё'ли билан жамият барқарорлигини бузиш, гуноҳсиз кишилар, жумладан, болаларнинг ҳалок бо'лишига олиб келадиган сиёсий мақсаддаги о'лдириш ва портлашлар бу мудҳиш г'оянинг асл моҳиятини ташкил этади. (Беслан фожиаси)

Диний экстремизм - ма'лум сёсий мақсадлар ё'лида ва дин ниқоби остида мутаассиблар ёки уларнинг иродасига ко'ра иш ко'рувчи гуруҳлар томонидан олиб бориладиган о'та ашаддий ҳаракатлар ва қарашлар мажмуини англатади.

Диний ақидапарестлик - эса сиёсий мавжуд ижтимоий муаммоларни илк, я'ни мазкур дин пайдо бо'лган пайтдаги арконлар асосида ҳал этмоқ ниятидаги ҳаракат ва қарашлардан иборат.

Дунёнинг ба'зи мамлакатларида бугунги кунда ҳам мавжуд ҳукмлар диндан бошқа динни тарғиб қилганлар жазоланади. Жумладан, Афғ'онистонда «Толибон» ҳаракати ҳукмронлиги даврида уларнинг бошлиғ'и Мулла Муҳаммад Умарнинг ко'рсатмасига биноан Афғ'онистондаги буддизм динига мансуб маданий ёдгорликлар ҳам ё'қ қилинишига фатво берилди. Натижада 15 аср илгари бунёд этилган Бамиён шаҳрида дунёдаги энг йирик ва баландлиги 53 метрлик 2 та будда ёдгорликлари о'ққа тутилиб бузиб ташланди. Бу ҳатти-ҳаракатлар ислом динининг бошқа динларга бағ'рикенглик асосидаги муносабатларига зид бо'лганлиги учун барча тараққийпарвар кучлар томонидан қораланди. У инсонни бир муте, қул, тақдирнинг о'йинчоғ'и деб қарайди, инсон қалби, ма'навий эҳтиёжлари билан мутлақо ҳисоблашмайди.

Ислом динининг тасавуф та'лимоти аҳли тарихда ҳаётга, жамият ва инсон масалаларига кенг қараганлар. Бу чин ма'носи билан инсонпарварлик та'лимотидир. Чунки суфийлар, гарчи чин мусулмон сифатида шуҳрат қозониб, ислом дини тозалиги учун курашган бо'лсаларда, аммо ҳеч қачон о'зга динларни камситмаганлар. Шу сабабли тасаввуфни диний бағ'рикенглик

та`лимоти, инсон камолотига ёл қидирган ҳамда жаҳолатга қарши курашиб келган ма`рифий та`лимот, деб тушунамиз.

Ҳозирги кунда бизнинг турмуш тарзимизга, руҳиятимизга нисбатан қилинаётган ма`навий-ма`рифий ҳуружларнинг усуллари тобора нозиклашиб бораёпти. Зарарли г`оялар турли кинофилмлар, телевидение ко`рсатувлари ва радио эшиттиришлари шаклида, газета-жуурналлар, интернет тармоғ`и ва бошқа ёналишларда узлуксиз равишда тикиштирилиб, бизнинг миллий тушунчаларимизни барбод этишга, мафкуравий иммунитетимизни сусайтиришга, ёшларимизни дуругайлаштиришга мунтазам ҳаракатлари сезилиб турибди. Бугунги кунда инсон қалбини эгаллаш учун бутун дунёда то`хтовсиз кураш кетаяпти. Бу зарарли г`ояларга қарши халқимизнинг ор-номуси, диний ва дунёвий э`тиқоди, ма`навий қадрияти, мафкуравий иммунитет вазифасини о`таши зарур.

Алоҳида бир одамнинг руҳияти жамоа руҳиятига тенг эмас, албатта. Энг қизиг`и шундаки, жамоа руҳиятида онгсизлик даражаси баландроқ. Оммавий таассуротда Оммавий Ахборот Воситалари томонидан айтилган гапларга бирдан ишониш, ваҳимага тушиш, салбий информатсияга ко`проқ берилиш кайфиятлари анча кучли. Буни Карл Юнг «жамоавий онгсизлик» деб та`рифлаган ва бугунги кунда ушбу психологик категорияни топиб, уни исботлаб берилгани Юнгнинг буюк кашфиёти деб ҳисобланади. Карл Юнг та`лимотининг аҳамияти шундаки, мазкур «жамоавий онгсизлик» ҳолатининг жамиятда пайдо бо`лиши мафкуравий иммунитетни шакллантириш ишига салбий та`сир қилади.

Юртбошимизнинг «Бугунги кунда г`ояни таққ билан, ма`мурий чорлар билан енгиб бо`лмайди. Г`ояга қарши фақат г`оя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши ма`рифат билан баҳсга киришиш, олишиши мумкин», деган фикрлари бугунги кунда ҳар бир ватандошимиз учун дастуруламал бо`лиши керак. (И. А. Каримов)

“Миллий – ма`навий қадриятлар” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Бир миллат вакилари учун зарур, аҳамиятли, азиз,ардоқли бўлган, уларнинг манфати хизмат қиладиган ма`навий бойликлар, амалар, тамойиллар, г`оялар ҳамда, Меёрлар миллий – ма`навий қадриятлардир.

Ҳар бир халқнинг ўзи учун э`зозли, қимматли бўлган ма`навий бойликлари бўлади.

Булар асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келган ҳозирги кунда ўзининг аҳамияти ва қадрини ёқотмаган, шу халқнинг ифтиқорига айланган дурдоналардир. Масалан; Мисрнинг эҳромлари (Пирамидалари), Қирғ`из халқнинг “Манас”достони, Париждаги Лувр саройи О`збекистондаги 400га яқин обидалар.

Миллий қадриятлар халқнинг ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди. Улар воситасида бошқа нарса Хадисларга, халқаро баҳо берилди.

Миллий г'оя ва ма'навий қадриятнинг узвий бог'ликлиги қуйдагиларда ўз ифодасини топади:

1. Миллий қадриятлар миллий г'оя учун ма'навий негиз манб'а болиб хизмат қилади.
2. Миллий г'оя қадриятларини бойитиш, янада юкори босқичга кўтариш, одамлар онги, қалбига миллий қадриятларни синдириш омилидир
3. Миллий г'оя халқнинг манфа'тлари нуқтавий назардан мавжуд ма'навий қадриятларга баҳо беради, ижобий томонларини ривожлантиради, салбий ҳолатларини имкор этишнинг ма'навий мезон болиб майдонда чиқади.

Жамиятда ма'навий қадриятларни тиклашга миллий г'оя жараёни сифатида қарашда қуйидаги жиҳатларга э'тибор бериш керак.

1. Халқимиз истиқлол туфайли сиёсий мустақиликни қўлга киритганлиги.
2. О'з тақдирини ўзи белгилашининг чинакам эгаси болганлиги
3. Ўзининг ма'навий – тарихий илдиэларинин, лекин унинг жуда муракаб жараёнлардан амалга ошириладиганлиги
4. Мустақилликнинг дастлабги йилларида “Сиёсий, маданий экстремизм хавфи” туг'илишига қараш чоралар кўрилганлиги.

1994 йил 23 апрелда О'збекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Маънавият ва марифат”жамоатчилик марказини ташкил этиш тоғ'рисида”ги фармони, 1996 9 сентябр эса Ма'навият ва ма'рифат жамоатчилик марказини такоминлаш'тириш ва унинг самарадорлигини ошириш фармони ва бошқа ма'нбаларда қуйидаги қадриятлар ҳақида ёзилган:

1. Ватан – энг олий макон, у меникидир.
2. Инсон – энг олий қадриятдур.
3. Мулкнинг энг олий шакли – интеллектуал мулк. Инсон фаолияти энг олий тури интеллектуал.
4. Вақт –энг олий бойлик.
5. Умуминсоний қадриятлар.
6. Моддий қадриятлар.
7. Миллий қадриятлар.
8. Таббий қадриятлар.
9. Иқтисодий қадриятлар.
10. Ижтимоий –сиёсий қадриятлар.
11. Ма'навий қадриятлар.
12. Ахлоқий қадриятлар.
13. Динний қадриятлар.

14. Оилавий қадриятлар.
15. Демократик қадриятлар ва ҳоказо.

Юрт бошимиз И.А.Каримов^[2] о'збек халқининг ма'навий – ахлоқий негизларини асослаб берди:

1. Умуминсоний қадриятларга содиқ.
2. Халқимиз ма'навий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.
3. Инсонинг о'з имкониятларини намоён қилиш
4. Ватанпарварлик

2000 йил 6 апрелда О'зР Президенти И.А.Каримов илмий ва ижодий жамиятчилик вакиллари билан учрашиб унда “Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий куч-қувват манба’и” мавзусида нутқ сўзлади . У миллий мафкуранинг моҳияти ва аҳамиятига бағ’ишланган. Юртбошимиз фикрича, миллий г’оя мафкуранинг моҳияти мазмунини қуйидаги ҳолатларда намоён болади:

1. Ҳар қандай давлат ва ўз миллий г’оясига таяниши ва суяниши лозим, чунки усиз келажак ё`қ.
2. Биз таталитар тизимдан воз кечиб, озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт қуришга ўтиш

шароитида яшамокдамиз. Мақсадга уқта ишланган мафкура асосида эришиш мумкин.

3. Ёшларимизни шу миллий г’оя ва мафкура асосида тарбиялаймиз.
4. Ҳеч қандай г’оявий бошлиққа ё`л қўймаслигимиз керак. 1990 йилдаги г’оявий бошлиқ оқибатида унинг ўзини “Ваҳобийлик”, “Хузб уттахрир” “Нур” ва “Янги христианлар” сингари бузг’унчи, ёт г’оялар эгалашга ҳаракат қилдилар.
5. Миллий г’оя о`злигимизни англашга, қадриятларни тиклашга хизмат қилмоғ’И лозим.
6. Миллий мафкурамиз миллий ва уммуинсоний қадриятларга таяниш зарур.
7. Миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига котарилмаслиги керак.

Юрт бошимиз И.А.Каримов созлари билан айтганда “Т’ояга қарши фақат г’оя, фикрга қарши фақат фикр, Жаҳолатга қарши ма`рифат билан курашиш лозим”.

Демак, миллий г’оя, мафкура халқимиз ва давлатимизнинг бугунги ва эртанги кунини учун ҳаракат дастуридир. Улар эса миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланади.

Умуминсонийлик миллий ва шахсий қадриятлар орқали намоён болади.

Миллий г'оя куйдаги инсоний қадриятларни э'тироф этади ва озига сингдириб олади:

1. Қонун устиворлиги.
2. Инсонинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини та'минлаш.
3. Турли миллат вакиларини, уларнинг маданиятини ва қадриятларини хурмат қилиш, улар билан ҳамкорликда яшаш достлик ва яхши қoшничилик алоқаларини органиш.
4. Динлараро бағрикенглик.
5. Дунёвий билимларга интилиш ма'рифатпарварлик.
6. Турли халқларнинг илг'ор тажрибасини инсоният маданиятини, ютуқларини органиш ва эгалаш.
7. Инсон ва ватан – оилӣ қадриятлар .

Миллий қадриятлар куйдагилардан иборат:

1. Халқимиз ҳаётида жамоа болиб яшаш руҳининг устиворлиги.
2. Халқ онгида до'ст ва яхши го'шни билиб, тинчлик, Ҳамкорликда яшаш.
3. Оила, маҳалла, эл-юрт, ватан тушунчаларининг муқаддасилиги
4. Ота – она, махилла жамоасига раҳбарларга хурмат ва эътибор
5. Она тилига меҳр ва муҳаббат.
6. Катталарга хурмат эъҳтиром кичикларга иззат
7. Го'заллик, нафосат ва абадий ҳаёт рамзи бо'лган аёлни қадрирлаш
8. Сабр-тоат ва меҳнат севарлик
9. Ҳаллолилик меҳр оқибат ва бошқалар

Мустақил йиларида анъаналрга айланиб бораётган байтамлар ҳам мавжуд:

- 1 январ - янгийил байрами
- 14 январ- ватан ҳимоячилар куни
- 8 март - халқаро хотин –қизлар байрами
- 21 март - навроз байрами
- 9 май - ҳотира ва қадрирлаш куни
- 31 август - қатоғ'он қурбонлари шаҳидлари куни.
- 1 сентябр мустақиллик куни
- 1 октябр - о'қувчилар ва мураббийлар куни.
- 8 декабр - Конституция куни.
- “Рамазон хайити”- ИЙД ал-фитр.
- “Қурбон хайити”-Ийд ал-идҳа

Охирги икки диний байрамлар ҳижрий тақвими бо'йича ҳисоблангани учун ҳар йили 12 кун орқага сурилади

1992-1993 йиларда юртбошимиз И.А.Каримов ёзилиб наш этилган “О'збекистоннинг о'з истиқлол ва тараққиёт йили” ва “О'збекистон бозор муносабатларига ўтишнинг о'з йили” асарларида тараққиётнинг “О'збек модели”ни асослаб ва белгилаб берди.

Унда жаҳондаги ривожланган давлатлар раҳбарлари ижобий баҳо бердилар

“О'збек модели” О'збекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйдаги 5 та тамойилларига асосланган:

1. Иқтисодийётнинг сиёсатдан устунлиги ёки иқтисодийётнинг мафкуравий мақсадларига бо'йсундирилмаслиги.

Бозор иқтисодиёти механизмларини ишга солиш учун аввало қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- 1) мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни о'тказиш;
- 2) баҳолар ва нарх-навои босқичма-босқич эркинлаштириш;
- 3) бозор инфратузилмасини шакллантириш;
- 4) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини олиб бориш.

2. Давлат бош ислохотчи.

У ислохотлар устувор ёналишларини белгилайди, о'згаришлар сиёсатини ишлаб чиқади ва изчиллик билан амалга оширади.

3. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги.

Демократик ёл билан қабул қилинган конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамманинг ҳурмат қилиши ва уларни оғ'ишмай амалга ошириш лозим. Ҳуқуқий давлатнинг элементлари:

1) қонун устуворлиги; 2) қонун олдида ҳамманинг тенглиги; 3) барча инсонлар о'з иш фаолиятни қонун доирасида бажариши; 4) ҳокимият органларининг бо'линиши.

4. Кучлий ижтимоий сиёсат. Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучлий ижтимоий сиёсат олиб бориляпти

Буни амалга ошириш учун қуйидаги чоралар амалга ошириляпти

- 1) пул-кредит, даромат сиёсати о'тказилиб келинаяпти;
- 2) ижтимоий таъминот ва кафолатлар, кам таъминганларни қо'ллаб-қуватлаш
- 3) аҳолига ижтимоий хизматларни ко'рсатиш;
- 4) халқнинг моддий турмуш шароитларини яхшилаш;

5. Бозор иқтисодиётига босқичма босқич о'тиш.

Бу Ғ'арбий Европа ва Россиядаги о'зини оқламоқда “Шок терапияси” ёлидан тубдан фарк қилади.

Маълумки О`збекистон аграр индустриал мамлакатдир. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар натижасида минглаб фермер хожаликлари тузилди. Деҳқончилик ва чорвачиликда юқори корсаткичларга эришилмоқда.

Масалан, мустақиллик йилларида г`алла етиштириш бо`йича мустақилликка эришдик. 1990 йилда 900000 тонага яқин г`алла етиштирилган бўлса 2010 йилда бу кўрсаткич 7.000.000 тонага этди. Мамлакатимиз г`алага бўлган о`з эҳтиёжини толиқ қондириб, ҳатто чет элга ҳам экспорт қиляпти. Бу юксак кўрсаткич О`збекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуслари ва раҳбариятининг то`ғри олиб бо`рилган сиёсати натижасидир.

2010 йил 21 июл куни юртбошимиз И.А.Каримовнинг “О`збекистон г`аллакорларига”мурожати оммавий ахборот воситаларида э`лон қилинди. Унда азиз деҳқон ва фермерлар улкан г`алаба билан муборакбод этилган.

Хулоса шуки, миллий г`ояда умуминсоний ва миллий қадрият чамбарчас бўлган ва бир бирини тўлдиради. Бунда умуминсоний қадриятлар устувордир.

2.2 Глобаллашув жараёнининг халқимиз тараққиётида ўзлигини англаш динамикасининг маданий – маънавий ва моддий жихатларига тасири

Мустақилликнинг мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири бу ғоявий тарбияни кучайтиришдан иборатдир. Бу борада кишиларимизда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафқуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зо`р бериб тиқиштириш эмас, балки одамларда оқ-қорани ажратиш зарарли ғояларга қарши ҳушёр ва огоҳ бо`лиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. 1999 йил феврал`, 2004 йилнинг мартадаги Бухоро ва Тошкент шаҳрида содир этилган террористик воқеалардан то`ғри хулоса қилиш муҳим. Ҳар бир давлат, жамиятнинг қудрати унинг ички хавфсизлиги ва барқарорлигига таянади. Я`ни жамият, миллат о`з ғоясида мустаҳкам турса, иккиланмаса, ҳар қандай душман қо`ллаши мумкин бо`лган ғоявий таҳдидлардан

қо`рқмаса, бундай миллатни энгиш мумкин эмас. Аксинча, жамият ичида ғоявий парокандалик, бо`лишлар бо`лса, душманларга уларнинг ёт мафкураларига ёл очиб беради. Бундай миллатни энгиш мустамлака қилиш осон кечади.

Мамлакатимизнинг хавфсизлиги барқарор тараққиёти ҳеч бир О`збекистонликни бефарқ қолдирмаслиги керак. Чунки улар о`з Ватанининг қандай машаққатли, азобли асрларни о`тказиб, мустақилликка эришганлигини яхши биладилар. Шундай экан, ҳар бир О`збекистонлик миллатидан, динидан, туғилган жойидан касбу ёшидан қат`ий назар Ватан посбони бо`лиши лозим. Демак, мамлакатимизнинг хавфсизлиги учун энг биринчи кафолат, О`збекистонликларнинг миллий истиқлол ғояси атрофидаги жипслигидир. Ички таҳдидлар о`з Ватанига, Ватандошига, Ватандошларига зарар этказишга қаратилган. Ғоя, фикр, хатти-ҳаракатлардир. Носоғлом маҳаллийчилик, ёндозларни менсимаслик, Ватандозларнинг ҳаққига хиёнат қилиш ма`навий элекрасия, одамларни бой камбағалга бо`либ муомала қилиш порахо`рлик, коррупсия, қо`поллик, ашаддий миллатчилик, ортиқча мол-дунёга ҳирс қо`йиш, бефарқлик, лоқайдлик, о`злигини англамаслик ва бошқа иллатлар билвосита ички таҳдидлар вазифасини бажаради. Улар қанча кенг тарқалса, О`збекистонликларнинг ғоявий бирлигига шунча қо`п зарар этазади, пароканда қилади, ҳамжиҳатлик бо`лмайди. Ғоявий бирлиги мо`рт миллатнинг давлат хавфсизлиги ҳам мо`рт бо`лади.

Барча замон ва маконларда ма`навияти кучли ишонч ва э`тиқоди мустаҳкам миллат бир жону бир тан бо`либ, муамоларни тез ва соз этган пешқадам бо`лган. Мафкуравий бирлиги ичидан ёки ташқаридаги бузилган миллатлар эса, мағлуб бо`либ, мустамлака айланган. Мафкура бо`лмаса одам, жамият, давлат о`з ёлини ё`қотиши муқаррар эканлигини қо`рсатиб туради.

“Мафкуравий иммунитет” -фалсафа; қомусий луғатида – ма`навий баркамол иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реаксион, бузғунчи характердаги ғоявий ташаббусларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қо`л келади, дейилади. Го`дак дунёга келганида, иссиқдан, совуқдан, ташқи лихонлик та`сирлардан о`зини хавфсиз қилиш, сақлаш, ҳимоя қилишни билмайди.

О`зини о`зи ҳимоя қилишнинг шартли рефлекслари аста-секин, улғайиш давомида пайдо бо`лади. Натижада, балоғатга этгач, о`спирин о`зини ҳимоя қилишнинг барча қо`никмаларига эга бо`лади.

“Иммунитет” со`зининг ма`носи О`збекистон миллий энциклопедиясида қуйидагича берилган: лот-бирон нарсадан холос, озод бо`лиш, қутулиш – организмнинг доими ички барқарорлиги сақлаш унинг турли хусусиятларига ва та`сиридан ҳимояланиши,

қаршилик қўрсатиши, резистентлиги. Ёт омилларга бактерия ва уларнинг таксинлари, вируслар, замбуруғлар, содда жониворлар, гелминтлар, қўчириб оʻтказилган аʼзо ва тоқималар, организмнинг оʻзгарган оʻз қўжайралари ва б.қ. қиради. Бу омиллар организм учун ирсий бегона бўлган қимёвий оинсйлар – онтигинларни тутиб қолади.

Организмни инфекцион оғентлар ва бошқа ёт моддалардан қимё қилиш омиллари табиати бўйича учга бўлинади:

Биринчиси – филогенетик иммунитет – анотомик ва физиологик белгилар билан тақминланиб, наслдан-наслга оʻтадиган алоҳида қимё омиллари ёки организмнинг алоҳида резистентлиги. Бу омиллар потоген оғентлар билан биринчи бўлиб алоқа қилади, шунинг учун уларнинг фаолияти ҳисобига одам организмнинг қўпгина юқумли касаллик қўзғатувчиларга қидамлилиги тақминланади.

Иккинчидан Туғма иммунитет – бир биологик турнинг маʼлум бир оғентга нисбатан қидамлилиги бўлиб, наслдан-наслга оʻтади.

Учинчидан орттирилган иммунитет – ҳаёт давомида организм иммун системасининг ёш онтигенлар билан тақсирлашуви ҳисобига юзага қеладиган қимё бўлиб, наслдан наслга оʻтмайди. Мафқуравий иммунитет маʼнавий-маʼрифий, сиёсий, иқтисодий билимларни оддийгина қабул қилиб олишини эмас, балки уларни онгли равишда тушуниб этишни бу билимлардан замонавий ижтимоий воқеаларга мафқуравий издошлар воқелигидан қелиб қиқиб, муносабат билдириш қўникмаларни шакллантириш айрим носоғлом қояларга жавоб бериш, уни қабул қилмаслик ҳолатдир.

Миллий истиқлол қояларига шахсинг ишончи, мустаҳкам иродаси унинг мафқуравий иммунитетни манбаи ҳисобланади. Бундай мафқуравий иммунитетга эга бўлган, шахс, ёт мафқуралар тақсирига берилмайди, чунки миллий истиқлол қояси мафқуравий иммунитетни шакллантиришда оʻзига ҳос имқоният ва ҳусусиятларга эга. Демак, мафқуравий иммунитетни шакллантириш муайян вазиятда инсоннинг оʻзи ҳалқи, Ватан манфаатлари бирлигидан қелиб қиқиб, ёт қояларга қарши тура олиш малақаларидир.

Инсон бирор касалликка қалинса уни даволаш мумкин. Миллат маʼнавиятининг заифлиги, унинг характеридаги ҳафсаласизлик, бефарқлик, қайротсизлик, оʻзаро ички муносабатларда алдамчилик, қўполлик, жоҳиллик, худбинлик, ялқовлик ва бошқа нуқсонларда намоён бўлади. Демак, ҳозирги оʻзимизни барқамл қилишимизга тоқсинлик қилаётган маʼнавий жароҳатларимизни даволашимиз учун масалага аниқ, яʼни реал миллий характери оʻрганиш ва оʻзгартириш омили сифатида ёндашмоғимиз зарур. Қоявий тортишувларда таҳдид солувчи ҳам, оʻзини қимё қилувчи ҳам қояни оммалаштириш услубларидан фойдаланади. Бу – мафқуравий тарбия услубларидир.

Демак, қайси томоннинг энгишини, пировард натижада, илмга асосланган тарғибот энгишини пировард натижада, илмга асосланган тарғибот ва ташвиқот ҳал қилади. Шу тариқа мафкуралар тортишуви – тарғибот ва ташвиқотлар тортишувига айланади, дейиш мумкин.

Шу сабабли – миллий истиқлол мафкураси том ма’нодаги миллий мафкурага айланиши учун қатор талабларга жавоб бериш зарур.

Шундай экан, ғоявий манипуляцияни мафкуравий кураш, ёт мафкуралар томонидан қўлланилаётган та’сир технологиясининг таркибий қисми, деб аташ мумкин. Я’ни манипуляция одамни у ёки бу ишни қилишга эмас, балки шу ишни қилишга хоҳиш истак уйғотишга хизмат қилади.

Ғоявий манипуляция жараёнлари қандай кечади? Аввало, ғоявий манипулятор (да’ватчи) та’сир о’тказмоқчи бўлган одам, тасаввурларини о’згартиришга олиб келувчи билимлар бера бошлайди. Натижада, об’ект (шахс)нинг дунё қарашида қадриятлари тизимида да’ватчи манипулятор кутаётган тартиб пайдо бўлади ва этакчилик қила бошлайди. Бу эса шахснинг ҳулқ-атворида та’сир кўрсатади, шахс о’з характеридаги о’згаришларни сезмайди ва мен то’ғри ё’л тутаётман. Чунки деган асосга эга бўлиб қолади.

Шу о’ринда Президент Ислам Каримовнинг 80-йилларнинг охирида мамлакатимизда о’зини “до’ст”, “диндош” миллатдош қилиб кўрсатиб, го’ё ислом динининг софлиги учун курашга да’ват этувчи айрим кимсалар кириб келди. Жуда чиройли да’ватлар билан чиқиб, айрим ёшларни о’зига маҳлиё қилишга эришди ҳам. Улар дин ниқоби остида ҳаракат қилаётган халқаро террорчилик ҳаракатининг бир то’даси экани ошқора бўлди деган фикрларини эслаш о’ринлидир. Бу о’ғитлар бизни нафақат огоҳликка, балки мафкуравий кураш шайдосига чорламоқда.

Ҳозирги воқеликда миллий истиқлол ғояси ва ёт мафкуралар орасидаги муносабатлар мафкуравий кураш, мафкуравий қарши туриш, психологик уруш шаклларида кечмоқда. Ёш мафкуралар мафкуравий курашларнинг минг йиллик услубларини, шунингдек, замонавийлаштирилган услублари, ахборот майдонни эгаллаб олиш; мафкуравий қўпоровчилик ҳаракатларини қўллаш орқали халқимизда О’збекистоннинг буюк келажагига ишончсизлик уйғотишга давлат сиёсатини обро’сизлантиришга, одамларнинг о’зини Ватан, миллат ҳимоясидан четга тортишга, лоқайдликка эришишга интиладилар.

Ҳар қандай жамият бундай маккор таҳдидларни энгиши учун о`зида огоҳлик, мафкуравий хавфсизлик, то`қчиллик, жанговорлик, сафарбарлик, умуммиллий бирлик каби ижтимоий сифатларга эга бо`лиши керак.

“Халифа” со`зининг муғавий ма`носи – “о`ринбосар” терминологик ма`носи “мусулмон жамоаси ва мусулмон давлатининг диний ҳамда дунёвий бошлиғи” деб талқин этилади. Халифалик давлати мутлоқ монархия типигаги давлат бо`либ, давлатни халифа бошқаради. Халифалик давлатини бошқарув тизими Ислом – шариат қонунлари билан белгиланади. “Ҳизбут - таҳрир” да`во қилган халифалик давлати эса “Ислом низоми” номли китобида баён қилинган қонунларга асосан бошқарилади.

“Ҳизб ут-таҳрир” – суннийлик доирасидаги диний-сиёсий партия бо`либ, 1952 йилда Қуддус шаҳрида ташкил этилган.

Бу партия фаластинлик Тоқийиддин Нобохоний (1909-1978) томонидан, “Ал-инвом ал муслимон” раҳбари сайид қутб билан келиша олмай қолганларидан кейин ташкил этилган. 1952 йилда Тақийиддин КАбохоний томонидан эр юзининг мусулмон давлатларида мавжуд бо`лган тузумни о`згартириб, “Халифалик” давлатини тузишлик ва бу мақсадни амалга оширишлик учун “Ислом дини ниқоби остида “Ҳизбут – таҳрир партиясига асос солиниб, бу партиянинг идоравий то`пламлари ва бошқа қонунлари ишлаб чиқилган эди. Унинг а`золари ёшларни диний фонотизм ва экстремизм руҳида тарбилашнинг барча усуллари – да`ват ишонтириш, варақа ва миш-мишлар тарқатиш халқа дарс услубларини қўллаб фуқаролар о`ртасидаги давлат ва шахс о`ртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга ҳаракат қилди.

Ҳар бир киши ёки жамоа, жамият мафкуравий иммунитетини бош даражага бо`либ о`рганиш, баҳолаш ва шу асосда такомиллаштириш мумкин. Бунда:

Биринчи я`ни мафкуравий иммунитетнинг қуйи даражаси – шахс, жамоа жамият юқоридаги `илимларидан хабардор эмас, бузғунчи мафкуравий ғояларга бефарқ лоқайд;

Иккинчи даражаси – билимлар бор лекин улар ҳис қилинмаган системалашмаган шу сабабли уларни бузғунчи мафкуравий ғояларга қарши ишлатишга тайёр эмас;

Учинчи даража – мафкуравий билимларга эга лекин улар назарий, шахс жамият уларни қўллашга қийналади.

*То`ртинчи* даража – асосли билимларга эга вазиятни то`ғри баҳолай олади: ички ва ташқи сиёсий мафкуравий та`сирларга қарши иммунитетни шаклланган ва уни онгли равишда ишлатади.

Бешинчи – олий даража мукамал ғоявий, сиёсий, иқтисодий билимларга эга ва бу билимларни бемалол амалда қўллаб, бузғунчи мафкуравий, сиёсий ғояларни доимо ҳамма жойда фаол фoш қила олади.

Ахоннинг демократик мамлакатлари тажрибасида мафкуравий тарбиянинг бой имконитлари, турли намуналари то'планган. Ёш авлодни, бутун жамиятни о'з давлати, мамлакатининг мафкураси руҳида тарбиялаш – сосоиологик, педагогик, психологик муаммо сифатида фаол о'рганилиб, тезкор замонавийлаштирилиб келинмоқда. О'тган асрнинг 60-70 йиллари Ғарбий эвропа ва АҚШда мафкурасизлашувга, я'ни ижтимоий ҳаётни мафкурадан холи этишга уриндилар. Лекин бу ё'л билан о'зини оқламади. Чунки тарбиядаги мафкуравий бо'шлиқ о'з асоратларини ко'рсата бошлади. Бундай ҳолат ҳақида нуфузли немис нашрларида: “Ҳозирги ёшларимиз о'ртасида лоқайдлик, руҳсизлик, бефарқлик, анланмаган норозилик, беқарорлик кайфиятлари тарзида намоён бо'лаётган “ёшлар маданияти” деб аталувчи хатти-ҳаракатлар кучаймоқда. Бу – ёшларнинг о'з аждодлари ижтимоий ва маданий қадриятларидан бегоналашаётганликларининг белгиларидир”, - деган ташвишли фикрлар билдирила бошланди. Натижада, “мафкуравий янгиланиш”, “қайта мафкуравийлашув”га кучли зарурат туғилди ва мафкусизлик хатосини тузатишга киришилди.

1. Диний ақидапарастлик ва бошқа ёт мафкуралар, энг аввало, айрим ёшларнинг ғоявий-сиёсий тажрибасизлигига таянади. Ёт мафкура ва бузгунчи та'сирлар билан кураш мафкуравий тарбияда лоқайдлик, бефарқлик кайфиятининг ҳар қандай ко'ринишларига мурасасизликни тақозо қилади.

2. Қарши тарғибот самарадорлигининг зарурий тамойилларидан бири – унинг тезкорлигида бо'либ, унда муайян минтақавий шароитларни, кишиларнинг ёш хусусиятларини, олий о'қув юртининг у ёки бу муддатда ҳал қила олиши мумкин бо'лган мафкуравий имкониятларини ҳисобга олиш ко'зда тутилади.

3. Шахснинг мамлакат ичкарисида ва ташқарисида содир бо'лаётган воқеаларни мустақил таҳлил қила олиши, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлайди.

Чунки мафкуравий таҳдид о'зининг мазмуни, тамойилари, услублари ва шаклларига ко'ра мураккаб ходисадир. Бу ҳақда мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида ро'й берган воқеалар муносабати билан Оқ сарой қароргоҳида, 17 май куни О'збекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун о'тказилган матбуот анжуманларидаги баёлотлари ва мухбирларнинг саволларига жавобларида турли диний радикал гуруҳларни бирлаштириб турган нарса “биз учун ёт бо'лган бир мақсадни – диний давлат, мусулмон халифалигини о'рнатишни тарғиб қилмоқда уларни бирлаштириб турган – дунёвий тараққиёт ё'лига бо'лган нафрат, ғарблик журналистлар учун яна бир бор айтмоқчиман, конституциявий, дунёвий тараққиёт ё'лини қабул қила олмаслик, уни

ко`ролмасликдир”<sup>1</sup> – деб та`кидлаган эди. Унга Мустақил О`збекистоннинг ҳаётий ютуқларини дадил-исботсиз атайлаб қоралаш, мустақилликка эришган мамлакатларнинг ҳаммасида мавжуд бўлган умумий муаммоларни “фақат О`збекистонга хос” деб талқин қилиш, эришилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ютуқлари моҳиятини, ҳукуматимизнинг ташқи ва ички сиёсатини бузиб ко`рсатиш. Айрим мамлакатлар турмуш тарзи, сиёсий тизимини бирёқлама ко`тариш, миллий ғояларимизни обро`сизлантириш; ко`п миллатли О`збекистонда аҳоли о`ртасида ижтимоий ҳамкорликни бузишга қаратилган кайфиятарни уйғотиш ва низолар келтириб чиқаришга уриниш; одамларнинг диний туйғуларини жунбушга келтириш, диний ёвқарашни пайдо қилиш каби ё`налишлар хосдир.

1.Миллий ғоя ўзликни англаш омили

2.Ўзликни англашнинг турли талқинлари.

3.Тарихий хотира ва миллий ўзликни англаш.

4.Миллий истиқлол ғояси-миллий ўзликни тарбиялаш, кадрлаш, саклаб қолиш омили.

Инсониятнинг тарихий тараққиёти ўзўзини англаш, энг аввало, инсоний мавжудликнинг моҳиятини маънавий воқелик шаън, қадрқиммат, обрўеътибор, орномус орқали намоён бўлишини кўрсатади. Ҳаётнинг маъномазмуни, мақсадини тушуниб етиш, ўзликни англашдан бошланади, Миллий ғояда унинг негизлари мужассам бўлганлиги учун ҳам ўзликни англашга хизмат қилади ва бирбири билан узвий боглиқ

«Ўзликни англаш деганда мен тарихий хотирани тиклаш, наслнасабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканлигамизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос ва мос жамият барпо этишни тушунаман», дейди И.А.Каримов.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш. давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш, авваламбор, ҳар бир фуқаронинг ва бутун жамиятнинг олий мақсадларини ўзида мужассам этган миллий ғоя атрофида жипслаша олиши, ўзини халқ, миллатнинг ажралмас қисми эканлигини англаб етишига ҳам боглиқ. Зеро, буюк бобокалонимиз Амир Темур ўгит берганларидек: "Бирликсиз куч бўлмас". Бинобарин, "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт" қуришдек улуг иш, аввало, ўзликни англамаган жойда амалга ошмайди. Миллат бирлигида инсонни ўзлигини англаш омили алоҳида ўринга эга. Президент И.Каримов таъкидлаганидек: *"Чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган*

*одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва химоячисига айланади. Демократия, фукаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақоууклари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фукароси бўла олади"*¹.

Бунда тилга олинган инсоний фазилатлар инсоннинг маънавий оламини ташкил этади. Маънавият эса фикр, сўз ва иш бирлигида намоён бўлади. Ўзлигини англамаган одамда имон ва эътиқод заиф бўлади.

"Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт" ғоясида муекассам бўлган миллий ғоя оддий даъват эмас, жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучга айланмоғи учун, у ўзлигини англаган ҳар бир фукаронинг онгидан чуқур жой олмоғи ва яшаш тамойилига айланмоғи лозим.

Демак мустақиллик туфайли бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида ўзликни англашнинг ўзига хос кўринишларини англамасдан маънавий юксалиш ва тараққиёт даражасини аниқлаб бўлмайди.

Жамият маълум бир ҳудудда жамланган одамларнинг оддий йигиндиси эмас. Инсон мартабасига хос бўлмаган ўзлигидан маҳрум, тарихий хотираси заиф, ўзининг келиб чиқиши ва кимларнинг вориси, авлодлари эканлигини англамаган, билмаган одамларни ҳалқимиз "ғўда", "оломон" деб атайти;

Юксак ривожланган жамият эса ўзлигини англаган шахслардан таркиб топади. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида талқин этилганда, унинг мустақил тафаккурга, эътиқодга, бунёдкорлик қудратига, ўзгалар ва бутун борлик олдидаги масъулият туйғусига эга эканлиги назарда тутилади. "Мен кимман?", "Бу ёруғ дунёга нима учун келдим?", "Менга ато этилган буюк неъмат — ҳаётимни нималарга сафарбар этмогим лозим?". Инсон борки, эртамикечми ана шу саволларга жавоб излай бошлайти, камолот сари йўл олади. Бу йўлни ўзликни англаш деб айтиш мумкин. Ўзлигини англаган ёки англай бошлаган кишигина шахс даражасига кўтарилади. Демак ўзликни англаш, аввало, ҳар бир инсоннинг шахси, алоҳида «мени» билан боғлиқ

"Кимки ўзлигини таниса, роббини танийди". Бу ҳадисда буюк ҳдкмат яширинган. Ўни бугунги кун муаммолари нуқтаи назаридан қуйидагича талқин этиш мумкин: ҳар бир инсон ўзи интилмаса, мақсадлар қанчалик улуг бўлмасин, бирорбир натижа бермайти. Шунинг учун ҳам ислом аҳли, мутасаввиф алломалар инсонни "олам меҳрари" деб билганлар.

Миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғоя жаҳон халқларнинг узоқ тарихий тараққиёт жараёнида яратилган меросидан ҳам озуқа олганлиги бежиз эмас. Зеро, инсоният жамияти пайдо бўлибдики, турли халқ алломалари инсонсэ ўзликни англашга даъват этади. Ўзликни англаш борасидаги Шарқ ва Гарб алломаларининг фикрлари миллий ғоя ва ўзликни англаш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яққол намоён этади.

Сукрот учун эса "ўзлигини англа" ҳикмати донишмандликнинг қондасига айланди. Ўзлигини англаган инсон маънавий юксалишга эришади, ҳар қандай шароитда эзгуликка чоғланади. Шу нуқтаи назардан, инсон руҳий қувватининг рамзига айланган Сукротнинг ҳаёти ва ўлими ҳаммамизга сабоқ бўла олади. Шарқу Гарб алломалари ўзларини ва ўз даврларини англашга ҳаракат қилишар экан, такрор ва такрор Сукротга мурожаат этишган. Сукрот даври билан бугунги кунни қарийб 2,5 минг йил ажратиб турган бўлсада, биз ҳам яна бир бор бу улуг сиймони эсласак фойдадан ҳоли бўлмас. Сукрот бир гуруҳ кишиларнинг фитнаси туфайли фуқаролик меъёрларини, ёшлар тарбиясини бузганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм этилган эди. Ҳукм ижросини қутаётган Сукротга шогирдлари қамокдан қочишни таклиф этишади. Гарчи ҳукм адолатсиз бўлсада, Сукротнинг фикрича, ҳар қандай, ҳатто энг юксак ва адолатли мақсад ҳам унга эришмоқ йўлидаги паст ва жиноий воситаларни оқламайди. *"Бизни ўлдиришига Кодир бўлган кўпчилик бу фикрга кўишладими, кўишлмайдими, бундан биз кўпрок ёки камроқ озор чекамизми, барибир, адолатсиз иш уни қилган қиши учун ҳар қандай шароитда шармандалиқдир"*, дейди у шогирдига, *Ёки бундай қдрайлик агар биз бу ердан жуфтани ростлашга шай . лансаку, Конун ва Давлат рўпарамиздан чиксада, сўраса: "Айтчи, Сукрот, нима қилмоқчисан? Ўз қилмоқчи бўлган ишинг билан бизни, Конунлар ва бутун Давлатни ҳалок қилмоқчимисан? Ёки суд х.укмлари х.еч ғандай қучга эга бўлмаган, балки улар алох.ида одамларнинг истаги билан бекор қилинадиган бўлса, давлат бутун ва беэиён қолиши қин деб ўйлайсанми?"*. Ўз юртини севган ва чинакам ватанпарвар бўлган Сукрот учун қамокдан қочиш бутун ҳаёти давомида ўзи риоя этган қондаларга, ўзининг умр ишига ва яемак Ватанига хиёнат бўлар эди. Афина давлатидаги у ёки бу тартиблар билан қелишмаган бўлсада, чинакам ватансарвар бўлган Сукрот ўлимни афзал кўради.

*"Ўзини англаган инсон, деган эди у, ўзи учун нима фойдалилиги ва нималарга қодир эканлигини яқини тушунади. У қўлидан қеладиған иш билан шугулланиши асносида ўз эҳтиёжини қрндиради ва саодатга эришади. Қар ғқдндай ҳато ва бахтсизликлардан ҳоли бўлади. Бунинг натижаси ўларок, у ўзга одамларни қадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана билади. Оқибатда ўзини қулфатлардан асрайди"*¹.

"Ўзликни англаш", "миллий ўзликни англаш" ва нихоят "умумбашарий ўзликни англаш" тушунчалари бирбиридан айри эмас, балки бирбири билан узвий алоқадор, бирбирини тақазо этади. Зеро, инсон отаона, оила, миллат, аҳли башар, боринги, бутун борлиқ билан муносабатлар асосида ўзининг ким эканлигини англаб боради. Айни шу муносабатлар заминида шаклланган миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида миллий ғоя тамойиллари шаклланган ва ўз навбатида, миллий ғоя уларни замон талаблари асосида бойитиб боради.

Ўзликни англашнинг турли талкинлари Инсоният фалсафий тафаккури тарихида ўзликни англаш масаласи турлича талқин этилган. Инсон жисмининг ўткинчилиги, руҳининг эса абадийлиги (черков отаси Августиннинг "тан руҳ учун қафасдир" фикрини эсланг) масаласини зоҳирий (дунёвийлик нуқтаи назаридан) талқин этганлар инсон ўзлигини дунёдан юз ўгириб, ёлғизликда ибодат билан кун ўтказгандагина, оддий сўз билан айтганда, таркидунё қилгандагина топиши мумкин деган фикрга келадилар¹.

Ислом Шарқида дунёни ўткинчи билиб, ижтимоий фаолликдан қочиш, фақат Оллоҳ зикри билан яшаш тамойили алоҳида ўринга эга. Уларнинг фалсафасида *"таркидунёчилик ғоясини тарғиб этиб, ижтимоий фаолликдан бутунлай четлашганлар, сурункали тоатибодат билан шугулланганлар"*¹. Тасаввуфдаги "узлатга чекиниш" ғоясини ҳам баъзан тўғридантўғри таркидунёчилик маъносида талқин этишга уринишган. Аммо "Ўзликни англаш" бош мақсади бўлган тасаввуф аҳли ва тасаввуф ғояларидан қувват олган улуг мутафаккирларимиз инсонни инсонга, Ватанга, халқига бўлган, ҳар қандай гараздан холи, пок меҳрни тарғиб қилганлар.

Шу нуқтаи назардан, Фаридиддин Аттор дунёни қайнаб турган қозонга менгаб, инсонни ана шу "қозон"да қайнашга ундаган эди. Шундагина инсон пишиб етилади, комилликка эришади. Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва юрт қайғусида яшаган жаҳид зиёлилар яна ўнлаб, юзлаб улуг аجدодларимиз ҳаёти, ўз тақдирларини халқ, миллат, бутун инсоният тақдири билан узвий боғлиқликда кўрганлар. Инсон ўзлигини англашини ижтимоий муносабатлар асосида кўришни орзу қилган ҳазрат Алишер Навоий буни аниқ қилиб шундай ифода этган эди:

"Одаме эрсанг демагил одаме Ониким йўк халк гамидин гами".

«Ўзликни англаш», «Миллий ўзликни англаш» ва «миллий истиқлол ғояси» узвий бирбири билан боғлиқ. Мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўзўзини англашини

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: "Янги аср авлоди", 2001.-Б.56.

ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Негаки, чоракам бир аср давомида хукмронлик қилган истибдод назарияси ва мафкураси ўзўзини англаш ҳиссини йўқотиб борди. Миллий ўзлигини англаш масаласи фалсафада ишланмади. Бунинг сабаби миллий ўзликни англаш мустақиллик ғояси билан боғлиқ эди. Шунга кўра, миллий истиқлол ғояси тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишидан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони сифатида халқимизнинг туб мақсадлари ифодаси ва жамият аъзоларини бирлаштирувчи рояга айланиши мумкин.

Зеро, маънавий қадриятларга, ҳаётни эъзозлашга ундайдиган юксак аъмолларга эътибор сусайганда, жамият, давлат тараққиётдан тўхтади, инқироз томон юз тугади. Бу Ҳақда Алишер Навоий шундай ёзган эди:

То хирсу хавас хирмани барбод ўлмас, То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас, То зулму ситам жонга бедод ўлмас, эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Демак мамлакатимиз обод бўлиши, равнақ топиши, халқимиз фаровонлиги учун маънавият ва маърифат соҳасида, хусусан, шахсни камол топтириш борасида изчил иш олиб бориш керак. *"Бу х.аётний х.акикат биз х.амиша амал киладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоеи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқодоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак"*¹.

Инсоннинг комиллик даражаси унинг жамиятдаги ўз ўрнини қанчалик билгани, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми эканлигини қанчалик ҳис этиши билан белгиланади. Шундагина инсон ўзининг қадрқиммати халқнинг, миллатнинг қадрқиммати билан нечоғлиқ боғлиқ эканлигини, жамиятда, юртида содир бўлаётган воқеаларга дахлдорлигини англайди. Юртимиз мустамлакачилик асоратига тушган XX аср бошларида юрт қайғусида ёнган Фитрат ўлканинг бошига ёгилган балоларда, аввало ўзини айбдор деб ҳисоблагани бежиз эмас. Амир Темур руҳига мурожаат этиб, у шундай ёзган эди: *"Юкорида айтдигим ишларнинг хаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини ўзим килдим. Сенинг Туронингни ўзим талатдим, Сенинг турклигингни ўзим эздирдим, Сенинг омонатларингга хиёнат ўзим килдим"*².

Шу эмасми комилликнинг белгиси? Миллий ўзлигини англаган инсонгина, Фитрат каби: *"Туроним, сендан айрилмоқ — менинг учун ўлимим, Сенинг учун ўлмос менинг тириклигимдир"*^{*}, — дея баралла айта олади, Нажмиддин Кубро сингари жонини сақлашни эмас, ёв босган юртини ҳимоя қилиб, жон таслим беришни афзал кўради.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида: «Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади» деб таъкидлаганлар. Демак тарихни билмасдан, яхши билмасдан туряб, юксак маънавиятга эришиш мумкин эмас. Собиқ иттифок даврида миллатимиз онгига шундай ғоя сингдирилдики, у ўз юртида бошини баланд кўтариб юриши тақиқланган эди. Халқимизнинг шундай аҳволга тушиб қолишига асосий сабаблардан бири — унинг тарихий хотирасидан жудо бўлиши эди¹.

Миллий ғоя халқимизга нафақат ўз тарихини одилонга, обектив ва холисона ўрганиш имкониятини яратади, балки миллат сифатида шаклланиш давридаги мураккаб шароитлардан келиб чиқиш сабабларини кўрсатиб беради. Чунки, миллий ҒОЯ халқимизнинг қадимий ва бой тарихидан, улуг аллома аждодларимизнинг ҳикматлари ва ҳаётий ўғитларидан, бунёдкор ғояларидан, яшаш ибратидан озуқа олган. Шунинг учун ҳам, тарихни буюк мураббий, тарбия ва ибрат манбаи дейилади.

Доно халқимизнинг "Ўтти пуштингни билгин", деган ўғитлари бекорга келиб чиқмаган. Шунинг учун ҳам қадимги Шарқ донишмандлари инсонни гавдаси олдинга, юзи эса ортга қаратган ҳолда тасвирлаганлар. Яъни, уларнинг наздида инсоният келажак сари интилар экан, ўтмишини доимо ёдда сақламоғи шарт. Бу кўхна ҳақиқатни теран англаган Президент И.А.Каримов "Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида истиқболдаги вазифаларни белгилаб берар экан: *"Тарих хотираси, халқинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашиш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳ.им ўрин тутди"*¹, деб таъкидлайди.

Бу юртимизнинг узоқ ва ҒОЯТ мураккаб тарихида қайтаҚайта исбот этилган ҳақиқат. Биргина Амир Темур ва темурийлар даври тарихи бунинг ёрқин исботи бўла олади. "Инсонлик оламини қанотлари остинда олган" (Фитрат) темурийлар салтанати бир неча асрлар мобайнида гуллаб яшнади, улуг алломаларни дунёга келтирди, илмфан, маданиятда етакчиликка эришди. Бунинг сабаби нимада эди? Жавоб битта: Амир Темур мамлакат ижтимоийсиёсий бўҳрон исканжасига тушиб қолган, феодал тарқоқлик ва ўзаро нифок авж олган бир шароитда халқни ўз ғоялари атрофида бирлаштира олди. *"Мен ўз салтанатимни дини ислом, тўра ва тузук асосида мустах.камладим, —* деган эди улуж

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: "Янги аср авлоди", 2001.-Б.58.

соҳибқирон, *Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бажардим*"¹.

Амир Темур наздидаги "тузук" бизнинг кундаги "миллий ғоя" мазмунида келаётганини англаш қийин эмас ва буюк бобокалонимиз фикрича: *"Давлат агар дину ойин асосида ʔурилмас экан, бундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни қўрган ҳар кимса, назарини олиб кочади. Ёҳуд қасу ноқас тап тортмай кириб чиққдиган томсиз, эшигитўсиғи йўқ уйга ўхшайди"*. Амир Темур «дину ойин» деганда адолатли җамиятни назарда тутмоқда.

Тарихий хотира миллатга кучқудрат бағишлайди, ҳаётнинг огир синовларини муносиб енгиб ўтишга, ўзлигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ўзга халқларни тобе этишга уринган босқинчилар халқни ана шу қудрат манбаидан айиришга, шаҳар ва тарихий обидалари, маданий ёдгорликлари ва аجدодларнинг маънавий меросидан маҳрум этиш орқали тарихий хотирасини заифлаштиришга ҳаракат қилганлар.

Демак җамият ҳаётида бунёдкор юяларга таянсагина, тараққиётга эришади, маънавий жиҳатдан юксалади. Бунёдкор ғоялар маданий мерос ва тарихий хотирага таянади.

Ёвуз мақсадни қўзлаган ғоя тарафдорлари эса, аксинча, йўл тутган. Масалан, Туркистон ўлкасини ўз мустамлакасига айлантирган Чор Россиянинг генерали М.Г.Черняев подшога ёзган махфий хатида билдирган фикри бунинг ёрқин далилидир: *"Бу ерда ҳар қандай қушинни тўзгатиб юборадиган бир қудратли қуч бор: бу туркистонликларнинг кечмиши хотираси... Демакки, туркларнинг биргина ўзини енгиши кифоя эмас. Уларнинг хотираларини, тарихини ҳам енғмок керак"* деб ёзади. Дарҳақиқат, чор Россияси босқинчилари ҳар бир ўлкани эгаллашда ўша халқ тарихига ҳужумнинг асл моҳиятини тушунган ҳолда фаолият қўрсатганлиги унинг миллий тараққиётда кучини англаганидан эди.

Юртбошимиз И.Каримовнинг: *"Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг тағтомиригача назар таишлаймиз"**, деган сўзлари ҳам айни фикрнинг нақадар чуқур асосга эга эканлигини яна бир бор исботлайди. Аммо бу — миллий ғоя ёки миллий ўзликни англашни ўз миллий қобирига ўралиш, ўзга халқлардан ўзини устун қўйиш дегани эмас, албатта. Қолаверса, Ўрта Осиё ҳудудида азалазалдан турли элат ва миллат вакиллари ёнмаён иноқликда яшаб келишган. Бағрикенглик меҳмондўстлик ўзбек халқининг қонқонига сингиб кетган қадриятига

айланган. "Меҳмон отангдек улур", дейди халқимиз ва остонасидан хатлаб ўтган бегона одамни ҳам уйининг тўрига олиб чиқади, ўзи емасада, меҳмонни сийлайди.

Ўзлигини англаган одамда меҳр, мурувват кучли бўлади. Манманлик каби салбий қусурларни хуш кўрмайди. *"Манманлик деган эди машҳур маърифатпарвар Абдулла Авлоний, — жохилона кибру гурурдан пайдо бўладурган энг ёмон хулқларнинг биридурки, кишини хар ерда маъюс ва маҳжуб килур.* Авлоний инсон манманлиги ҳақида гапираяпти. Агар манманлик касалига миллат, халқ ёки бирон бир дин вакиллари учраса не оқибатларга олиб келади? Мисоллар талайгина. Биргина ўз халқи онгига "олий ирк"қа мансублик РОЯСИНИ сингдиришга уринган фашизмнинг бутун инсоният бошига ёғдирган балоларни ёки буюк давлатчшшк шовинизми собиқ Иттифоқса яшаган элат ва халқларга келтирган азобуқубатларни эслаш кифоя. Айрим сиёсатдонлар бутунги кунда ҳам диний, ирқий, миллий зиддиятларни авж олдиришга ҳаракат қилаётгани ва оқибат ўларок дунёнинг турли чеккаларида олови алангалана ётгани барчага маълум.

Шунинг учун ҳам миллий ғоя, бир томондан, *"Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг кадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урфодати ва анъналарини хурмат килиш, уларни асрабавайлаш ва ривожлантиришга қўмаклашиш"* ни назарда тутса, иккинчи томондан, *"Ўзбекистон ўз ташки сиёсатида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик килиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик умуминсоний кадриятларга содиклик тинчлик ва хавфсизликни асрабавайлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги каби тамойилларга амал килади"*². Демак миллий истиқлол ғояси ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш ва умумбашарий ўзликни англашни узвий боғлиқликда кўришга даъват этиб, миллий ва умуминсоний моҳият ҳам касб этади. Бу борада маърифатпарварлик ЕОЯСИ, жадид боболаримиз фаолияти ва маънавий мероси муҳим ўрин тутди.

Х У Л О С А

Ҳозирги замон мафкуравий манзараси ғоялар ранг-баранглиги, ғоявий кураш кескинлиги билан фарқланади. Маф-куравий бекарорлик, мафкуравий бефарқлик шароитида ушбу омиллар Ўзбекистон хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Худди шунинг учун ҳам бугунги кунда юзага келган мафкуравий манзара XX асрдаги кишилиқ жамияти тараққиётининг қонуний маҳсули эканлигини яхши англаб олмоқ, ғоявий кураш кескинлашган бир шароитда миллатнинг орзу-умидлари ва манфаатларини ифодалаган ғояни шакллантириш орқалигина унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мумкинлигини яхши тушунмоқ даркор.

Мафкура – усткурмавий ҳодисадир: у жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеалар таъсирида шаклланади. Шу боис XX асрда глобализатсия жараёнининг тезлашиши ва умум-сайёравий сивилизадсиянинг шакллана бошлаши жаҳон мафкураларининг характериини ўзгартириб юборди. Хусусан, фашизм, сотсиал-реформизм, коммунизм каби мафкуралар ушбу жараён натижасида юзага келган хусусиятларни асослаб бера олмаганлари туфайли инкирозга юз тутдилар. Уларнинг ўрнини босадиган қудратли мафкуранинг йўқлиги эса турли, фашизмдан-да, коммунизмданда ғайриинсонийроқ бўлган ғояларнинг ривожланишига қўл келди. Геосиёсий мақсадларнинг ўзгариши эса бу ғояларнинг салбий таъсирини янада кучайтирди. Бундай шароитда ўз мақсадини аниқ белгилаб олган, эҳтиёж ва манфаатларини яхши англаб етган, ўз эътиқодига эга бўлган, бир сўз билан айтганда, ўз миллий ғоясини шакллантирган миллатгина кеклажагини сақлаб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. О'збекистон Республикаси Конституцияси. Т.: "О'збекистон", 2003.
2. Каримов И.А. О'збекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: "О'збекистон", 1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.: "О'збекистон", 1996.
4. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик о'з куч-қудратимиз, ҳамжихатлигимиз ва қат'ий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. Т.: "О'збекистон", 2004.
5. Каримов И.А. О'Збек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.: "О'збекистон", 2005.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: "Янги аср авлоди", 2001.
7. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий – услубий ёндашувлар. Т.: "Академия", 2002.
8. Миллий истиқлол ғояси: О'збекистон Республикаси Олий та'лим бакалавриат босқичи учун дарслик. Т.: "Академия", 2005.
9. Абдурахим эркаев: Миллий ғоя ва ма'навият. Т.: "Ма'навият", 2002.
1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6жилд. Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7жилд. Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9жилд. Т.: Ўзбекистон, 2001.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. 10жилд. Т.: Ўзбекистон, 2002.
6. Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11жилд. Т.: Ўзбекистон, 2003.
7. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз кучқудратимиз, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12жилд. Т.: Ўзбекистон, 2004.
8. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. (Президент Ислом Каримовнинг «Независимая газета» мухбирининг саволларига жавоблари). Т.: Ўзбекистон, НМИЎ, 2005, 646.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005, 966.
10. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.: Ўзбекистон, 2005, 1606.
11. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик қурашлар, изтироблар ва қувончлар. — Т.: 2001.
12. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: Ўзбекистон, 2001.
13. Тарих мустақиллик миллий ғоя. Т.: Академия, 2001.
14. Ўзбекистон ХХИ асрга интилоқда (шарҳлар). — Т.: Ўзбекистон, 2000.
15. Марказий Осиё: Ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдид. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент — 2001 й.
16. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент — 2001 й.
17. М.Шарифхўжаев, Ф.Раҳимов. Даврни белгилаб берган инсон. — Т.: 2004 й.